Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 226 (7967). ◆ 27 ноябрь, 1982 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

Советлар мамлакати яқинда ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилига қадам қўяди. Халқимизнинг зафарлари улуғвор, унинг олдида турган вазифалар ғоят катта ва мураккабдир. Партия билан халқнинг бузилмас бирлиги, уларнинг Ленин йўлидан олға томон қатъий ва оғишмай бораверишг иштиёқи ана шу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши учун гаровдир. Леонид Ильич Брежнев билан видолашув кунлари КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми бини бутун дунёга яна бир марта кўрсатди. КПСС Марказий Комитетининг кўни кеча бўлиб ўтган навбатдаги Пленуми ва ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессияси бини янги куч билан тасдиқлади.

Пленум 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ва СССР Давлат бюджетининг лойиҳалари тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилди.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Леонид Ильич Брежнев хотирасини абадийлаштириш ҳақида»ги қарорини маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети Бош Секретари ўртоқ Ю. В. Андропов Пленумда катта нутқ сўзлади. Унинг нутқида партия ички ва ташқи сиёсатининг давомийлиги қайд этиб ўтилди, беш йиллик навбатдаги йили плани ҳамда бюджети таъриф лаб берилди, совет экономикасининг аҳволи чуқур таҳлил этилди, халқ хўжалигини ривожлантиришдаги қийинчиликлар ва камчиликлар кўрсатилди, уларни бартараф этиш йўллари ва воситалари белгилаб берилди.

Маълумки, КПСС XXVI съезди партиянинг ўн биринчи беш йиллик ва умуман 80-йилларга бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли стратегиясини —совет кишилари йилдан-йилга яхшироқ яшашларига ва уларнинг меҳнати тобора салмоқлироқ натижалар беришига, социалистик тузуммиз ўзининг инсонпарварлик моҳиятини, ўз бунёдкорлик имкониятларини тобора тўлиқроқ намоён этишига қаратилган стратегияни конкретлаштириб берди.

Пленумда қайд этиб ўтилганидек, 1983 йилги план ва бюджет лойиҳалари умуман шу стратегияга мос келади. План лойиҳасида саноат ва қишлоқ хўжалигини муттасил ривожлантиришга, капитал маблағларни жамлашга, ҳар бир совет республикасининг экономикасини янада юксалтиришга қаратилган тадбирлар баён этилган. Халқ хўжалиги самарадорлигини оширишга ишларни давом эттирилади — моддий ҳаражатлар ва меҳнат ресурсларини нисбатан камроқ сарфлаган ҳолда тиғиз топшириқларни бажариш керак бўлади.

Келгуси йил истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромад 3,3 процент ёки шу йил кутилаётган 9 миллиард сўмлик ўрнига 15 миллиард сўмлик қўпаяди. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги 3 процентдан зиёд ортади.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 3,2 процент, барча турдаги транспортнинг юк оборота 3,6 процент, капитал қурилиш ҳажми 3,2 процент кўпаяди. 1983 йилда 1.405 миллиард киловатт—соат ёки шу йилдагига қараганда 3,3 процент кўп электр-энергия ҳосил қилиш кўзда тутилмоқда, бунда планлаштирилаётган ўсишнинг учдан икки қисми атом станциялари ва гидростанциялар зиммасига тушади. Нефть ва газ конденсати қазиб чиқариш 619 миллион тонна ҳажмда планлаштирилмоқда, бу эса беш йиллик топшириқларга мувофиқдир. 529 миллиард куб метр — 1982 йилдагига қараганда 29,5 миллиард куб метр кўп газ қазиб чиқарилади.

Агросаноат комплексини ривожлантиришга ва СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга катта эътибор берилмоқда. Умуман комплексни ривожлантиришга сал кам 47 миллиард сўм — шу йилдагига нисбатан 4,3 процент кўп маблағ сарфланади. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 137,3 миллиард сўмликни ташкил этади ва 1982 йилга нисбатан 10,5 процент ортади. Гўшт етиштириш бир йил ичида 6,1 процент, мол ёғи—8,4, пишлоқ—6,8, консервалар 4 процент кўпаяди.

План лойиҳасида партиянинг халқ фаровонлигини оширишга қаратилган йўлига амал қилинаётганлиги кўриниб турибди. Бу нарса «А» группаси тармоқларинг нисбатан «Б» группаси тармоқлари маҳсулоти ишлаб чиқаришни («А» группасидаги 3,1 процент ўрнига «Б» группасида 3,5 процент) илдам ўстиришда ҳам, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда, шундай молларнинг хилини оширишда ва сифатини яхшилашда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборота 314,6 миллиард сўмликни ташкил этади [бир йил ичида 5,4 процент ўсади]. Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизматнинг йиллик ҳажми 6,8 процент, шу жумладан қишлоқ жойларда 8,2 процент ортади. 106,6 миллион квадрат метр уйжой бинолари қурилади, бу эса беш йилликнинг 1983 йилги топширигидан ошиб кетади.

Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақини 180,4 сўмгача ёки 1982 йилга нисбатан 1,9 процент ва колхозчилар меҳнатига тўланадиган ҳақни 130 сўмгача ёки 2,1 процент ошириш мўлжалланмоқда. Иш ҳақини кўпайтириш, пенсия таъминотини яхшилаш, болали оилаларга давлат ёрдамини кучайтириш борасидаги катта-катта тадбирлар давом эттирилади. Келгуси йил аҳоли жон бошига реал даромадлар 3 процент кўпаяди. Беш йилликнинг дастлабки икки йилида шундай даромадларнинг ўртача йиллик ўсиши 1,8 процент бўлган эди.

Ижтимоий истеъмол фондлари 1983 йилда 134 миллиард сўмлик бўлади; бу фондлар бир йил ичида 4,7 процент ошади. Ижтимоий фондларнинг ўсиши — маориф ва маданиятни янада ривожлантириш, аҳолининг социал таъминоти ва унга медицина хизматини яхшилаш демакдир.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари совет кишиларининг, ҳозирги ва келгуси авлодларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади. Ана шу мақсадлар учун бир йил ичида давлатнинг 1,9 миллиард сўм капитал маблағини сарфлаш кўзда тутилади.

Бизнинг муваффақиятларимиз улуғвор ва шубҳасиздир. Қилган ишларимиз оз эмас, лекин олдимизда совет жамиятини янада ривожлантиришдан иборат ҳаётий муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган қийин ва қизғин ишлар турибди. Ана шу вазифалар муваффақиятли ҳал этилган тақдирда бизнинг экономикамиз бундан буён ҳам ўсиб, халқ фаровонлиги юксалиб бораверади. Шу муносабат билан пленумда бир қанча энг муҳим кўрсаткичлар юзасидан план топшириқлари беш йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида бажарилмай қолганлиги, бу эса табиийки, 1983 йилги план лойиҳасига таъсир ўтказганлигига эътибор жалб қилинди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, уни интенсивлаш йўли ҳамон сусткашлик билан ўтказиб келинмоқда. Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари бизни қаноатлантираолмайди, ваҳоланки бу — экономика самарадорлигининг асосий кўрсаткичидир. Планлар ҳамон катта ҳаражатлар ва ишлаб чиқариш чиқимлари эвазига бажарилмоқда. Мана шу камчиликларни бартараф этмоқ учун инерция кучига, эски одатларга барҳам бериш, ишга қандай кириши кераклигини билмаётган кишиларга кўмаклашиш форма ва усулларини топиш, энг муҳими эса экономикага раҳбарлик қилишнинг барча соҳаларини — бошқарувни, планлаштиришни, хўжалик механизмини такомиллаштириш борасидаги ишларни жадаллаштириш керак.

Пленумда қайд этиб ўтилганидек, сифатли, унумли меҳнатни, ташаббускорлик ва омилкорликни рағбатлантирадиган иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни вужудга келтириш зарур, яхши ишламаслик, сусткашлик, масъулиятсизлик эса ходимларнинг моддий тақдирланишига ҳам, хизмат мавқеига ҳам, маънавий обрў-эътиборига ҳам бевосита ва муқаррар тарзда таъсир этиши керак.

Пленум умумдавлат, умумхалқ манфаатларига риоя этилиши учун масъулиятни кучайтириши, маҳкамачилик ва маҳаллийчиликка қатъиян барҳам бериши, партия, давлат ва меҳнат интизомининг ҳар қандай бузилишига муроса қилиб турмасликни талаб этди.

Советлар мамлакати халқ хўжалигида катта-катта резервларга эга. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш; материал ва меҳнат ресурсларидан яна ҳам оқилона фойдаланиш; иқтисодий ишлаш, халқ мулкига чинакам омилкорлик билан муносабатда бўлиш тажрибасини кенг оммалаштириш, хўжасизликка, исрофгарчиликка қарши қатъий кураш ана шундай резервлардир. Бунда шу вазифани мамлакатимиздаги ҳар бир ишчи, ҳар бир меҳнаткаш иштироки билангина амалга оширилиш мумкин.

Бизнинг планларимизда Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш тадбирлари марказий ўринни эгалларан. Қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона ишлари, шунингдек қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланганлиги туфайли бир қанча областлар, ўлкалар ва республикалар яхшигина натижаларга эришдилар. Донли экинлар ҳосили бултургига нисбатан анча кўпайди. Пахта, сабзавот, узумдан етиштирилган ҳосил чакки бўлмади. Сут ва тухум кўпайди. Айни вақтда баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги узилишларга ҳали ҳам барҳам берилгани йўқ.

Пленумда айтиб ўтилганидек, гарчи Озиқ-овқат программасини амалга ошириш бир йиллик иш бўлмасада, унинг бажарилишини чўзиб юборишi мумкин эмас. Агросаноат комплексининг ходимлари куч-ғайратларини кун сайин ошириб, шу вазифани ҳал этишга сарфланаётган жуда катта маблағлар бугунок самара берадиган ва эртага эса яна ҳам кўпроқ самара берадиган даражада меҳнат қилишлари керак.

КПСС Марказий Комитети Пленумида саноатнинг база тармоқларини ривожлантиришнинг баъзи энг муҳим масалалари ҳам, чунончи ёқилғи—энергетика комплексини янада ривожлантириш, темир йўл транспортининг, қора металлургия саноати корхоналарининг ишини, капитал қурилиш ишларини тубдан яхшилаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми қарор қабул қилиб, унда 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда СССР Давлат бюджети лойиҳаларини асосан маъқулади. СССР Министрлар Советига ана шу лойиҳаларни СССР Олий Советининг муҳокамасига киритиш таклиф қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ички ва ташқи сиёсат соҳасида партия XXVI съезди ишлаб чиққан йўлини амалга ошириш, коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш соҳасидаги амалий фаолияти тўла-тўкис ва батамом маъқулланди. Пленум ўртоқ Ю. В. Андропов нутқида баён этилган қондалар ва хулосаларни маъқуллаб, уларни барча партия ташкилотларининг фаолияти учун асос қилиб олишга қарор берди.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларига, партия ташкилотларига, совет, касаба союз ва комсомол органларига, министрликлар ва идораларга навбатдаги хўжалик-сиёсий вазифаларни бажаришга, СССРнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга қаратилган ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни авж олдириб юборишг; шу йилги топшириқлар муваффақиятли адо этилиши, шу беш йиллик учинчи йили план топшириқларни тўла ва ошириб бажарилиши учун зарур чораларни кўриш таклиф этилди.

Марказий Комитет Пленуми 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожланиш планининг муваффақиятли бажарилиши умуман беш йиллик учун алоҳида муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб, партия, совет, хўжалик ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг, меҳнат коллективларининг эътиборини КПСС XXVI съезди ўртага қўйган энг муҳим вазифани —ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашни кучайтириш ва халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш вазифасини бажаришга бутун куч-ғайратни қаратиш зарурлигига жалб этди. Хўжалик фаолиятини яхшилаш фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, халқ хўжалигининг барча бўғинларида меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш учун мавжуд имкониятлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш муҳимдир. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида капитал қурилишни анча яхшилашга алоҳида эътибор бериш, ёқилғи, хом ашё, металл ва бошқа материаллар, молиявий ресурслар ва меҳнат ресурсларини сарфлаш нормаларига риоя этиш юзасидан тегишли тадбирларни амалга оширш лозим. Планлаштиришни ва экономикани бошқаришни янада яхшилаш, хўжалик юритиш услуби ва методларини такомиллаштириш борасидаги ишлар даражасини бутун чоралар билан оширишни энг муҳим вазифа деб ҳисоблаш керак.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил май пленуми қарорларини бажаришга, СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга, ёқилғи-энергетика комплексини планли равишда ривожлантиришга, совет кишиларининг моддий ва маънавий турмуш даражасини янада юксалтиришга асосий эътибор берилиши керак.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида, бошқарувнинг барча соҳаларида давлат, меҳнат ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлашга, ишда уюшқоқлик ва омилкорликни оширишга, социалистик мусобақани кенг авж олдиришга, иқтисодий ривожланишнинг интенсив омилларидан, мавжуд резервлардан янада тўлиқроқ фойдаланишга, ҳамма хил ресурсларни тежаб-тергашга, сифат кўрсаткичларини яхшилашга, энг кам қиқим қилиб, энг юқори пировард натижаларга эришишга катта аҳамият берилиши лозим. Фан, техника ютуқлари ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга сабот билан жорий этиш, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан қатъий контролликни таъминлаш, ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлигини ошириш ва биринчи навбатда социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш керак.

СССР Олий Совети 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планини ҳамда СССРнинг Давлат бюджетини тасдиқлади ва шу тариқа улар қонун кучига кирди.

Энди ган КПСС Марказий Комитети Пленуми, СССР Олий Советининг сессияси қарорларини барча коммунистлар, барча совет кишиларига етказишда. 1983 йилги план топшириқларини ҳар бир корхона, ҳар бир коллективнинг вазифаларига тадбиқан конкретлаштиришда қолди. Гап кадрларни жой-жойига тўғри қўйишда, энг муҳими эса меҳнаткашлар оммасининг активлигини кучайтиришда қолди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми, СССР Олий Совети сессияси қарорларини пропаганда қилишда матбуот, радио ва телевидениенинг роли ғоят катта. Улар совет кишиларининг меҳнати ва турмушини, бизнинг муваффақиятимизни ҳар томонлама ёркин ва тушунарли қилиб кўрсатиши, резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишдаги камчиликлар ва қийинчиликларни бартараф этишда ёрдам бериши, оммаининг ташаббускорлигини актив қўллаб-қувватлаши керак.

Бизнинг бунёдкорлик режаларимизни амалга ошириш учун тинчлик бўлиши, кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш ва чуқурлаштириш зарур. Марказий Комитет Пленумида совет ташқи сиёсатига катта ўрин берилди. Бу сиёсат партиямизнинг XXIV, XXV ва XXVI съездлари қарорларида белгиланганидек бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Мустаҳкам тинчликни таъминлаш, халқларнинг мустақилликка ва социал тараққиётга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — КПСС ленинча ташқи сиёсатининг ўзгармас мақсадидир. Партия билан Давлат раҳбарлари, деб уқтирди ўртоқ Ю. В. Андропов, шу мақсадлар учун курашда принципиаллик, изчиллик ва вазминлик билан ҳаракат қилаверадилар.

Модомики инсоният ўз келажагини таҳлика остига қўйишни истамас экан, қуролланиш пойгасига ва урушларга доимо тоқат қилавермаслиги керак. Қурол-яроғларсиз дунё — социализм идеалидир. Ҳозирги халқаро вазиятга хос қийинчиликлар ва кескинликка келганда, улар бартараф этилиши мумкин ва бартараф этилиши лозим.

Социалистик ҳамдўстликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш ҳақида КПСС зўр ғамхўрлик қилаверади. Партия қардош мамлакатларнинг ҳамкорлиги ва социалистик ўзаро ёрдами тобора чуқурлашиб ва самаралироқ бўлиб боришига, шу жумладан илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, транспорт, энергетика вазифаларини ва бошқа вазифаларни биргаликда ҳал этиш ҳам мана шундай чуқур ва самарали бўлишига интилмоқда. Империализмнинг агрессив кирдикорлари бизни қардош социалистик мамлакатлар билан биргаликда ҳамдўстлигимизнинг мудофаа қобилиятини лозим даражада сақлаб туриш ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур этмоқда.

Мустамлакачилик зулмидан халос бўлган давлатлар билан, ўз мустақиллигини ҳимоя қилаётган халқлар билан бирдамлик совет ташқи сиёсатининг энг муҳим принципларидан биридир.

Совет мамлакати ошкора, ҳалол ҳамкорликни хоҳловчи барча мамлакатлар билан шундай ҳамкорлик қилишга тайёрдир. Ижтимоий системалардаги тафовутлар бунга ҳалақит бермаслиги керак. Бунда биз бирон бир мамлакат билан муносабатларни нормаллаштиришга тайёргарлик учун турли соҳаларда олдиндан ён бериш билан ҳақ тўлаш ниятида эмасмиз. Биз ҳам ядровий, ҳам оддий қурол-яроғлар пойгасини жиловлаш тарафдоримиз, аммо ҳеч ким биздан бир томонлама қуролсизланишимизни кутмай қўйқолсин. Биз иккала томоннинг манфаатларини эътиборга олиш ва тенг ҳуқуқлилик асосидаги битимлар тарафдоримиз.

КПСС Марказий Комитети Пленумида кескинликни юмшатиш сиёсати ўтиб кетган босқич эмаслиги, бу сиёсатнинг келажаги порлоқ эканлиги таъкидланди. Халқлар собитқадамлик билан актив ҳаракат қилиб, ядро уруши хавфини даф қила оладилар, тинчликни биноборин, планетамизда ҳаётни сақлаб қола оладилар.

КПСС Марказий Комитети Пленуми ва СССР Олий Совети сессиясининг материалларини партия, бутун совет халқи маъқуллаб кутиб олди. Бу материаллар ҳусусида жаҳон жамоатчилиги жуда кўп фикр-мулоҳаза билдириб, унинг зўр эътиборини жалб этди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми Коммунистик партия теварагида маҳкам жипслашган кўп миллатли социалистик ватанимизнинг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашлари ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг олтмиш йиллигини муносиб кутиб оладилар, 1983 йилни хўжалик ва маданий қурилишда янги зафарлар билан нишонлайдилар, мамлакатнинг Ленин йўлидан коммунизм сари янада муваффақиятли равишда олға боришини таъминлайдилар, деб комил ишонч изҳор этди.

(«ПРАВДА» газетасининг 26 ноябрь сонидаги беш мақоласи).

МЕҲНАТ, ТАЛАНТ ВА ИЛҲОМ— СССР ЮБИЛЕЙИГА

ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДИЙ СОЮЗЛАРИ ПРАВЛЕНИЕЛАРИНИНГ СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИ ОЛТМИШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БИРЛАШГАН ПЛЕНУМИ

Совет халқи дунёда биринчи социалистик давлат тарихидаги шонли сана — ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг олтмиш йиллигини кенг миқёсда ва тантанали нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Ҳозир ҳар бир киши, ҳар бир коллектив ўз ишини якунлаётган, келажак режаларини белгиламоқда. Бутун халқ билан биргаликда бу шодиёна байрамни зиёлиларимиз ҳам муносиб равишда кутиб олиб, КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга, халқнинг маънавий бойликларини кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Республика ёзувчилари ва рассомлари, кинематографиячилари ва композиторлари, архитекторлари, саҳна усталари, журналистлари Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари билан биргаликда бу йил алоҳида жўшқинлик билан ишламоқдалар. Улар ўз ишларини улуғвор бунёдкорлик программаси баён этилган партия режаларига қиёс қилмоқдалар. Ўзбекистон ижодий союзлари правлениеларининг 26 ноябрь куни бўлиб ўтган бирлашган пленумида республика маданият арбоблари шу ҳақда гапирдилар. Улар социалистик Ўзбекистон олтмиш йил мобайнида босиб ўтган улуғвор йўлга яна бир бор назар ташлаб, ўзларининг энг муҳим вазифаларини биргаликда муҳокама қилиш, ўзларининг ижодий меҳнати коммунистик қурилиш талабларига нақадар муваффиқлигини аниқлаб олиш учун шонли юбилей арафасида тўпландилар.

Бирлашган пленумни Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия очди.

Мажлис аҳли замонамизнинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби Леонид Ильич Брежнев хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб, ҳурмат билан эсга олди.

Пленумда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов, республика рассомлар союзи правлениесининг биринчи секретари, СССР халқ рассоми Р. А. Аҳмедов, Ўзбекистон архитекторлар союзи правлениесининг раиси Т. Ф. Қодирова, республика журналистлар союзи правлениесининг раиси З. И. Есенбоев, Ўзбекистон театр жамияти правлениесининг раиси, СССР халқ артисти С. Эшонтўраева, Қорақалпоғистон халқ шоири И. Юсупов, СССР халқ артисти М. Ф. Манеуров, «Ленин байраги» газетасининг бош редактори Т. Ш. Дагжи, Ўзбекистон кинематографиячилари союзи правлениесининг секретари А. Э. Ҳамроев, Республика композиторлар союзи правлениесининг секретари М. М. Тожиев сўзга чиқдилар.

Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари қатори республиканинг ижодкор зиёлилари ҳам КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми, СССР Олий Совети VII сессияси қарорларини завқ-шавқ билан кутиб олдилар, ўзларининг бутун кучларини коммунистик қурилиш вазифаларини амалга оширишга сарфлашга интилаётганликларини билдирмоқдалар, дейишди нотиқлар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқида баён этилган қоида ва хулосалар ҳар бир ижодий ходим, маданият арбоблари кўп минг кишилик армияси фаолиятининг программаси бўлиб қолиши лозим.

Совет Ўзбекистони ҳамма соҳаларда, шу жумладан маданият соҳасида ҳам эришган муваффақиятлар халқларни ягона аҳил оилага жипслаштирган партия ленинча доно миллий сиёсати тантанасининг яна бир яққол далили эканлигини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Бу оилада барча халқларнинг ва аввало, улуғ рус халқининг қардошларча мадади ҳамда ўзаро ёрдами туфайли республика совет ҳокимияти йилларида асрий қолоқликдан социал ва иқтисодий равнақ чўққиларигача бўлган чиранкам мислсиз йўлни босиб ўтди. Ҳозир Ўзбекистон жонажон коммунистик партия билан совет ҳукуматининг тинимсиз ғамхўрлиги туфайли илғор фан ва маданиятнинг катта марказларидан бири бўлиб қолди.

Ўзбекистон адабиёт ва санъат усталарининг ижодиётида республиканинг совет ҳокимияти йилларида босиб ўтган тарихий йўли акс эттирилган. Бу асарларнинг кўплари ҳозирги юбилей йилида яратилган. Шоирлар ва прозаикларнинг янги коллектив тўпламлари — «Тенг ҳуқуқлилар орасида тенг республика», «Ўзбекистон мадҳияси», «Менинг номим — ишчи», «Дўстлик нурлари» совет кишилари қаҳрамонона фидокорона меҳнати, халқлар дўстлиги, тинчлик учун кураш мавзуларини таранним этади.

«Ўзбекфильм» студиясида ниҳоясига етказилаётган «Ўйғониш» кинолентасида тарих саҳифалари жонлантирилган. Бу картина Туркистон ўлкасида революцион ҳаракатнинг қандай бошланганлигини тасвирлайди. «Мангулик» фильми дастлабки совет ўқитувчиларининг жасорати, илк мактаблар барпо этилганлиги тўғрисида ҳикоя қилади.

Республика театрларининг байрам афишаларида Л. И. Брежневнинг китоблари асосида саҳналаштирилган «Хотира ҳақиқати», «Қўриқ», Ш. Р. Рашидов романи асосида «Қудратли тўлқин», М. Бобоевнинг «Ер томири» ва У. Умарбековнинг «Шошма, қуёш» спектаклларига кўзингиз тушади. Бу асарларнинг ҳаммаси қишлоқ меҳнатчиларининг ишларига бағишланган.

Республика рассомлари юбилейни ишчилар ва чўлқуварлар зафарларига, мўл пахта ҳосили миришкорларига ва олимларга бағишланган туркумли полотнолар, график варақалар билан кутиб олмоқдалар. Республика композиторлари бу йил янги-янги симфоник, вокал камера асарлари, халқ чолғу асбоблари билан ижро этиладиган асарлар яратишди.

Олтмиш йил мобайнида Ўзбекистонда саксонта янги шаҳар қад кўтарди. Уларнинг ҳаммаси республика меъморларининг лойиҳалари асосида қурилди, Москва ва Ленинград, мамлакатнинг бошқа шаҳарлари архитекторлари билан ҳамкорликда яратилди. Ўзбекистон журналистлари совет давлатининг 60 йиллик юбилейига бағишлаб бирталай мароқли мақолалар, очерклар, репортажлар ёзишди.

Совет кишилари, дейишди нотиқлар, улуғ Октябрь байроғи остида жипслашган юздан ортиқ миллат ва элат ҳиссаси билан ривожланган кўп миллатли социалистик маданиятимиз учун ҳаққоний ифтихор туйғуларига тўлиб-тошмоқдалар. Совет адабиёти ва санъатининг ютуқлари жаҳон маданияти хазинасига қўшилди.

Битта идеология — марксизм-ленинизмга амал қилувчи, битта ватанга — улуғ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига эга бўлган совет халқлари, қардош халқларнинг кун сайин мустаҳкамланиб бораётган бузилмас дўстлиги ижодкор зиёлиларнинг илҳом манбаи эканлигидан иборат фикр бирлашган пленумдаги ҳамма нутқларда янгради.

Ўзбекистоннинг ижодий ходимлари — ҳаёт билан, меҳнаткашларнинг ишлари ва орзу-умидлари билан чамбарчас алоқа қилганликлари туфайли ўз фаолиятларида муваффақиятга эришганликларини равшан англаб турибдилар, деб уқтирилди пленумда. Доимо воқеалар орасида бўлиш, совет кишиларининг қаҳрамонона меҳнатини, уларнинг тинчлиққа, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга интилишини ифодаловчи теран фикрли ва чуқур мазмунли ёрқин асарлар яратишга интилиш —ҳар бир маданият арбобининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Мана ҳозир ҳам, Ўзбекистон пахтакорлари олти миллионли маррага яқинлашиб келаётган ва социалистик мажбуриятларни рўёбга чиқариш учун курашаётган бир пайтда ижодий ходимлар уларнинг ёнида турибдилар, янги жамият қураётган инсон характери жуда тўла-тўкис намоён бўлаётган жойларда турибдилар. СССРнинг Озиқ-овқат программасини қунт билан амалга ошираётган деҳқонлар, чорвадорларнинг, республика барча меҳнатчиларининг ишлари ҳақида китоблар ва фильмлар, бадиий полотнолар ва қўшиқлар яратилмоқда.

Шу билан бирга, деб таъкидланди пленумда, ҳар бир асарнинг ғоявий ва бадиий савиясини янада сабот билан ошириш, социалистик реализм принципларини ривожлантириш ва бойитиш зарур. КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий журналларнинг коммунистик қурилиш практикаси билан ижодий алоқалари тўғрисида»ги қарори мана шу вазифани ўртага қўйган.

Маънавий, бадиий маданият соҳаси — жуда ўткир, мафкуравий кураш майдонидир. Халқаро вазият кескинлашган ҳозирги шароитда, империалистлар тинимсиз қуролсизланиш пойгасини давом эттириб, халқларни ялпи ядровий фалокатга тойдириб юборишга уринаётган бир пайтда тинчлик учун ўзининг улуғвор масъулиятини намоён этиш, юксак гражданлик позициясини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш адабиёт, санъат арбобларининг, журналистларнинг фахрли бурчи эканлигини нотиқлар уқтириб ўтишди. Ғоясизликнинг, дунёқараш бобида дудмалликнинг ҳар қандай кўринишларига кескин зарба бериш зарур. Пленум қатнашчилари пролетар интернационализми байроғини янада баланд кўтаришга, ўзларининг бутун ғоявий эътиқод ва истеъдод кучи билан чиркин буржуа идеологиясига, бўҳтондан иборат ғарб пропагандасига қарши курашишга, тараққийпарвар жамоатчиликни, барча ҳолис ниятли кишиларни жипслаштиришга актив кўмаклашишга муттасил интилавершларини билдирдилар.

Ўзбекистоннинг ижодий ходимлари партиянинг ленинча йўл-йўриқларига ҳамиша содиқдирлар, социалистик реализм санъати қуввати, коммунистик ахлоқ нормаларини, одамларнинг бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш, ишимизнинг тарихий халқчиллигига ишонч каби маънавий фазилатларимизнинг гўзаллиги ва улуғлигини қарор топдиришдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқлигини англаб турибдилар.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги аёмий совет адабиёти, санъатини ривожлантиришдаги янги салмоқли муваффақиятлари билан, миллий, маданиятлар ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиш жараёни кучайиши билан нишонланганлигида рамзий бир маъно бор, деб таъкидлашди нотиқлар. «Мазмун жиҳатдан социалистик, ўзининг миллий шакллари жиҳатидан хилма-хил, руҳи ва характери жиҳатидан интернационалистик совет маданияти Совет Иттифоқи миллатлари ва элатларини ғоявий-маънавий жипслаштиришнинг буюк кучи бўлиб қолди», дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Совет Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорида.

Партиявийлик ва халқчиллик принципларига таянувчи совет бадиий маданияти катта-катта ва шак-шубҳасиз муваффақиятларга эришди. Бу принциплар Ўзбекистоннинг барча ижодкор ходимлари, шу жумладан адабиётимиз ва санъатимизнинг умиди бўлмиш ёшлар учун ҳам метин принциплар эканлиги пленумда айтиб ўтилди.

Бирлашган пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига табрикнома қабул этиб, Совет Ўзбекистонининг адабиёт ва санъат арбоблари ҳамиша марксизм-ленинизм ғояларини жонбозлик билан тарғиб қилаверадилар, коммунистик партия ва совет халқининг иши учун, коммунизм порлоқ идеалларининг тантанаси учун тинимсиз курашаверадилар, давримизга муносиб, совет кишиларининг юксак маънавий талаб ва эҳтиёжларига мос асарлар яратишга, ҳар томонлама баркамол инсонни — коммунистик жамият бинокорини тарбиялаб вояга етказишга бундан буён ҳам ўзларининг бутун кучлари, ғайратлари ва истеъдодларини сарфлайверадилар, деб ваъда бердилар.

Бирлашган пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов иштирок этди. (ЎзТАГ).

ХЎЖАЛИКДА ЭНГ ЮҚОРИ

ПИСКЕНТ. Охунбобоев номли колхознинг Тўлаган Исақулов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йилги мавсумда ташаббус кўрсатиб меҳнат қилдилар. Ғўзаларга ишлов бериш, озиқлантириш ва суғоришда илғор усулларни қўллаб, 100 гектар майдоннинг ҳаммасида мўл ҳосил етиштиришди.

Илғор коллектив йиғим-теримни ташкил этишда ҳам уюшқоқлик намуналарини кўрсатди. Натижада ҳар гектар майдондан 48 центнердан хирмон кўтарилиб, давлатга 520 тонна сифатли хом ашё сотилди. Унинг 120 тоннаси планга қўшимчадир. Бу кўрсаткичлар колхоз бригадалари ўртасида энг юқоридир.

ҲАШАРЧИЛАРНИНГ УЛКАН ХИРМОНИ

ЧИНОЗ. Йиғим-терим оммавий тус олган кунлардан бошлаб районнинг 84 та корхона ва ташкилотларидан ёрдамга чиққан 6 минг кишидан зиёд ҳашарчи пахтазорларда сидқидилдан меҳнат қилди. Улар мавсум давомида планда белгиланган 7545 тонна ўрнига 7700 тонна «оқ олтин» териб беришди.

Ҳашарчилар мусобақасида пешқадамлик қилган Чиноз қурилиш материалларн ва конструкциялари комбинати ходимлара мавсумда 617 тонна, район йўл қурилиш-ремонт бошқармаси бунёдкорлари 156 тонна, гидромеханизация ташкилоти аъзолари 119 тонналик хирмон уйишди.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Областимиз шаҳар ва районларининг юбилейолди йўқламаси

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ ЗАРБДОР ВАХТАДА

Шу кунларда бутун совет халқи жонажон Ватанимиз — ССР Иттифоқининг шонли 60 йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўраётир. Ўтган 60 йил мобайнида халқимиз Коммунистик партия раҳбарлигида жуда катта ва залворли йўлни босиб ўтди. Қатрада қуёш мавжланади, деганларидек ана шу улкан ютуқларни, салмоқли муваффақиятларни биргина бизнинг районимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.



Кун сайин чирой очиб, гўзаллашиб бораётган район қиёфаси ҳар қандай киши эътиборини ўзига тортади. Суратда: «Қизил Ўзбекистон» колхозида яқинда фойдаланишга топширилган маъмурий бино ва хўжалик мадания саройининг кўриниши.

Ш. Галимов ва В. Портнов фотолари.

РАЙОНИМИЗ ташкил этилган 1934 йилда бу ердаги хўжаликлар жуда намкувват ва ночор эди. Бугунги кунга келиб районимиздаги саноат корхоналари ва хўжаликлар иқтисодий жиҳатдан бақувват: ишлаб чиқарилаётган ва етиштираётган маҳсулотларимиз фақатгина республикамизда эмас, унинг ташқарисида ҳам маълум ва машҳурдир.

Районимизда 12 та йирик саноат корхонаси ишлаб турибди. Бу корхоналарда йил мобайнида ўрта ҳисобда 131 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Районимиз сабзаводчилари, боғбонлари, соҳибкорлари ва чорвадорлари қўлга киритаётган ютуқлар ҳам салмоқлидир. Сабзаводчиларимиз юбилей йилида маҳсулот салмоғини 100 минг тоннага етказиш учун зиммаларига олган оширилган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

Боғбонларимиз ҳар қачонгидек баракали меҳнат қилдилар. Улар эл дастурхонига планда белгиланган 10470 тонна ўрнига 11300 тонна сархил мева етказиб бердилар. Соҳибкорларимиз ўйган хирмон 15600 тоннадан ошиб кетди. Бу планда белгиланганидан қарийб 900 тонна кўпдир.

Далаларимизда ва боғ-роғларимизда етиштирилаётган маҳсулотларнинг катта бир қисми мамлакатимизнинг йирик саноат шаҳарларига жўнатилмоқда. Бу йил планда кўзда тутилган 18 минг 700 тонна ўрнига 23 минг тонна сархил маҳсулотлар иттифоқдош республикалар меҳнаткашларига тортиқ қилинди. Шунингдек, пойтахт ва областимиз шаҳарлари меҳнаткашларини қишда ҳам ёз неъматлари билан таъминлаш мақсадида кўплаб миқдорда сабзавот, мева ва узум жамғариб қўйганмиз.

Ана шундай ютуқларга аввало деҳқончилик маданиятини ошириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли амалга ошириш, маҳаллий ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш натижасида эришмоқдамиз. Район бўйича сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги ўрта ҳисобда 250 центнердан ошиб кетди. Картошка ҳосилдорлиги 145 центнерни ташкил этди.

Чорвадорларимиз давлатга гўшт сотиш планини бажариб қўйдилар. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тириклай вазни 459 килограммни ташкил этмоқда. Давлатга сут топшириш ҳам белгиланган графикдан анча ўзган ҳолда олиб борилянти.

Чорвадорларимиз эришаётган ютуқларда районимиз территориясида жойлашган Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти олимлари ишлаб чиқаётган тавсияларни амалга ошираётганлигимиз муҳим аҳамият касб этаётир. Дарвоқе, районимиз йирик илмий марказ ҳамдир. Бу ерда Бутуниттифоқ пахтачилик, Ғўза селекцияси ва уруғчилиги, Бутуниттифоқ ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтлари, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти яна бир қатор илмий муассасалар мавжуд. Ўқув ва илмий муассасалардаги йирик олимлар айни кунларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленуми қарорларини амалга ошириш юзасидан самарали тадқиқотлар олиб боришянти.

Кейинги йилларда посёлка ва аҳоли пунктлари тубдан ўзгарди. Турар-жой бинолари кўплаб қурилди. Ҳозир деярли ҳар бир хонадонда радио ва телевизор бор. Район аҳолисининг 80 проценти табиий газдан фойдаланмоқда. Қолган хонадонларга эса суюлтирилган газ келтирилмоқда.

36 та ўрта, 7 та саккиз йиллик умумтаълим мактабларида 22 минг 500 нафардан ортиқ ўқувчига пухта билим берилмоқда. 1400 га яқин юқори малакали, олий маълумотли ўқитувчилар ёшларга фан сирларини сабот билан ўргатишянти. 4 та музика мактаби, пионерлар уйи, ёш техниклар станцияси, 2 та спорт мактаби, 3 та мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинати ёшлар хизматида.

Меҳнаткашларнинг соғлиғини сақлаш борасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. 915 ўринли бешта касалхона, 12 та соғлиқни сақлаш пункти, 14 та қишлоқ врачлик амбулатурияси, 50 та фельдшерлик пункти, 12 та дорихона ишлаб турибди. «Ботаника», «Октябрь 10 йиллиги», «Қибрай» каби оромбахш шифохоналарнинг довруғи кетган.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига уюштирилган социалистик мусобақада фаол иштирок этаётган районимиз меҳнаткашлари эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янгиянги зафарлар билан севимли Ватанни қувонтирадилар.

Т. ОРТИҚХЎЖАЕВ,
халқ депутатлари Оржоникидзе район Совети ижроия комитетининг раиси.

100 МИНГ ТОННАГА ЕТКАЗДИК

Зайниддин ФАХРИДДИНОВ — Ленин номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий аъзоси.

ТЎҚАЙ ЎРНИДА БЎСТОН

Айни кунларда колхозчиларимиз СССР Озиқ-овқат программасини бажариш ишига ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келаётирлар. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорлари биз қишлоқ меҳнаткашлари олдига катта вазифаларни қўйди.

Колхозимиз аъзолари юбилейга муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш мақсадида юксак социалистик мажбуриятларини қабул қилганлар. Бу мажбуриятларнинг барчаси шараф билан бажарилди. Давлатга 60 тонна дон, 13 минг тоннага яқин сабзавот маҳсулотлари, 1650 тонна картошка, 530 тонна мева, 300 тонна узум сотдик. Эришилган бу муваффақиятга Рустам Бўстонов, Абдурашид Юзбоев, Юсуф Қосимов, Юсуф Сопиев, Нуриддин Валиев бошчилик қилаётган бригада аъзолари муносиб ҳисса қўшдилар. Бу коллективларда давлатга маҳсулот сотиш плани барча турлари бўйича бекамм-кўст бажарилди.

Чорвадорларимиз ҳам кувончли натижаларни қўлга киритмоқдалар. Улар юбилей йилида 1150 тонна сут, 152 тонна гўшт, 90 минг дона тухум етиштиришдек улкан мажбурият олганлар. Ҳозир белгиланган графикдан анча ўзган ҳолда меҳнат қилинмоқда.

Айни кунларда келгуси йил ҳосилига пухта замин ҳозирлаётган колхозчиларимиз деҳқончилик маданиятини юксалтириш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Ҳ. ҚУРОНБОЕВ,
«Правда» колхози раиси.

ЙИРИК НУРХОНА

Ҳали революция тонгидаёқ доҳиймиз В. И. Ленин «Коммунизм Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштиришдир», деган эди. Доҳий башоратининг нақадар тўғри, ўт кир ва зукко эканлигини вақт исботлаб турибди. Республикамизнинг гигант корхоналаридан бири ҳисобланган Тошкент ГРЭСи қурчиларни коммунизм учун хизмат қилмоқдалар.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга астойдил бел боғлаган корхонамиз ишчи-хизматчилари қувончли натижаларни қўлга киритаётирлар. Ўтган ойлар якунига кўра ишлаб чиқариш плани 102 процент, электр энергияси ҳосил қилиш плани 101,3 процент, капитал маблағларни ўзлаштириш плани 104 процент қилиб бажарилди.

Бундай ютуқларни қўлга киритишда юбилейолди меҳнат вахтасида туриб социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган 166 коммунистнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Улар ўз меҳнатлари билан ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида бошқаларга намуна кўрсатишяпти.

Корхона партия ва ишчилар комитети социалистик мусобақанинг таъсирчанлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаётир. Мусобақа голиблари коллектив аъзоларининг умумий йиғилишларида моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаётир. Мусобақада С. Коваль, Г. Галкин, Г. Тен, Қ. Мирсодиқов, И. Музаффаров каби турли касб эгалари бир неча мартадан голиб бўлишди. Улар ўз соҳалари бўйича «Энг яхши касб эгаси» деган шарафли ном олдилар.

Корхонамизда «Коммунистик меҳнат зардори» бўлиш учун қизғин кураш бораётир. Ҳозир 700 киши ана шундай юксак номга эга. СССР ташкил топган кунинг 60 йиллигигача улар сафи яна кенгаяди.

Нурчиларимиз ўз меҳнатлари натижаларини ва самарасини яхши биладилар. Биз йирик-йирик корхоналарга қувват бағишлаётирмиз, хонадонларга зиё олиб киратирмиз. Ёруғлик билан бирга ҳар бир хонадонга қувонч, бахт-саодат кириб келаётир.

Й. МУСЛИМОВ.
Тошкент ГРЭСининг катта машинисти.

ФАНГА ТАЯНИБ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сентябрь ойида бўлиб ўтган VII пленуми, шу пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов докладида биз олимлар олдига долзарб вазифалар қўйилди. Пленум қарорларини ўзларига дастуруламал қилиб олган институтимиз илмий ходимлари бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, чорвачилик самарадорлигини ошириш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш борасида қатор тадқиқотлар олиб борилянти. Чорвачиликни саноат асосига кўчириш технологиясининг муҳим масалалари ўрганилди. Озуқабоп экинлар экишга мўлжалланган суғориладиган майдонлардан йил давомида фойдаланиш системаси ишлаб чиқилди. Суғориладиган яйловлар ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш технологияси жорий этилди.

Биргина ўтган беш йилликнинг ўзида институтимизда 46 мавзудаги турли хил илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Уларни жорий этиш хўжаликларга катта самара берадётир. Самарали тадқиқотларимизнинг фақат районимиз ва областимиз миқёсидагина эмас, айни вақтда республикамиз, қолаверса, иттифоқимиз миқёсида кенг жорий қилинаётганлигини эътироф этиш айниқса қувончлидир.

Ш. АКМАЛХОНОВ,
Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти директори, ВАСХНИЛ мухбир аъзоси.

Анастасия ЧУДНАЯ — «Красный водопад» тажрибатаянч хўжалиги машинада сут соғиш оператори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати.

Анвар ЭГАМНАЗАРОВ — «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Фарида РАСУЛМАТОВА — Янги Тошкент консерва заводининг ишчиси.

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН КОММУНИЗМНИНГ ЯНГИ ҒАЛАБАЛАРИ САРИ

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқини, СССР Олий Совети сессиясининг материалларини зўр мамнуният билан кутиб олдилар.

Партия ташкилотлари шу ҳужжатларни тушунтириш ва ўрганиш тадбирларини, меҳнаткашларни ўртага қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар этиш ишларини кенг авж олдириб юбордилар. Ягона сиёсий кунлар, ижтимоий-сиёсий ўқишлар ташкилотчиларига, докладчиларга лекторларга, пропагандистларга, сиёсий ахборотчиларга ва агитаторларга ёрдам тариқасида суҳбатларнинг намунавий тематикаси эълон қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми — партия XXVI съезди қарорларини бажариш учун курашда муҳим босқич.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари, Ю. В. Андроповнинг нутқи — партия билан халқнинг жанговар, конкрет ҳаракат программаси.

КПСС — совет халқининг синалган йўлбошчиси.

Партиямизнинг коллектив донолиги.

Партия билан халқнинг бирлиги — совет жамиятининг енгилмас кучининг гарови.

КПСС ички ва ташқи сиёсатининг давомийлиги.

КПСС XXVI съездининг ленинча йўли — ўзгармасдир.

Коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўли.

Халқ бахт-саодати ва тинчликни сақлаб қолиш — КПССнинг бош вазифалари.

Партия режалари — халқ режалари.

Давлат плани — қонун.

СССРнинг 1983 йилги бюджети.

Экономикани замонавий талаблар даражасига кўтарайлик.

Экономикани юксалтириш, халқ фаровонлигини яхшилаш — партия ғамхўрлик қилаётган бош масала.

Коммунистнинг ўрни — кураш ва меҳнатнинг олдинги марраси да.

Меҳнат — Ватанимиз улуғлиги ва қудратининг негизи.

Нақадар яхшироқ меҳнат қилсак, шу қадар яхшироқ яшайдиган бўламиз.

Совет кишиси тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партия программасининг энг муҳим йўл-йўриғидир.

1983 йилда уй-жой қурилиши.

Ижтимоий истеъмол фондларининг ўсиши.

Коллективимизнинг 1983 йилги вазифалари.

Имкони борича кўпроқ ва яхшироқ ишлаш — ҳар бир кишининг бурчи.

Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқроқ, самаралироқ фойдаланайлик.

Меҳнат унумдорлиги даражаси — самарадорликнинг бош кўрсаткичи.

Ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлиги, самарадорлиги ва сифатини оширайлик.

КПСС ички ва ташқи сиёсатининг давомийлиги.

КПСС XXVI съездининг ленинча йўли — ўзгармасдир.

Коммунистик бунёдкорлик йўлидаги умумхалқ ҳаракатига бизнинг ҳиссамиз.

Хом ашё ва қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришга энг кўп эътибор берайлик.

Мамлакатнинг ёқилғи энергетика комплекси.

Янги газ қувурларини муддатидан илгари ишга туширамиз.

Ҳар грамм ёқилғи — қатъий ҳисобда бўлсин.

Иш вақтининг ҳар бир соатидан фоят самарали фойдаланайлик.

Бир дақиқа ҳам бекор ўтмасин, бир грамм ҳам нобуд бўлмасин.

Бошбошдоқлик, хўжасизлик ва исрофгарчиликни тугатайлик.

Меҳнат интизомининг даражаси — коллективнинг ғоявий ва маънавий етуклиги кўрсаткичи.

Ижодий меҳнат қилувчи, юксак сиёсий ва маънавий маданиятли кишини тарбиялаб вояга етказайлик.

Интизомни бузувчиларга, ичкиликбозларга, бракчиларга муросасиз бўлайлик.

Халқ хўжалигининг резервларидан яхшироқ фойдаланайлик.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштирайлик.

Фан ва техника ютуқлари — ишлаб чиқаришга жорий этилсин.

Нега коллективимизда илғор тажриба суст жорий этилмоқда?

Янги, илғор усулларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайлик.

Беш йиллик илғорларига тенглашингиз.

Қўл меҳнатини механизациялаш — энг муҳим вазифа.

Аграр-саноат комплекси 1983 йилда.

Озиқ-овқат программасини амалга оширишга бизнинг қўшадиган ҳиссамиз.

Озиқ-овқат программаси ҳамманинг ва ҳар бир кишининг иши.

Озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга бутун кучни сарфлайлик.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлайлик ва ундан самарали фойдаланайлик.

Қишлоқ хўжалигига ажратилган маблағларнинг юксак самарадорлигига эришайлик.

Қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли якунлайлик.

Йиғиштириб олинган ҳосилни тўла-тўкис сақлаб қолайлик.

Нон — бебаҳо бойлигимиз. Уни эзозлайлик. Келгуси йил ҳосилига эътибор ва ғамхўрлик қилайлик.

Чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказайлик.

Ем-хашакдан оқилона фойдаланайлик.

Ҳалқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирайлик ва сифатини оширайлик.

Транспорт ишидаги камчиликларни қатъиян тугатайлик.

Ватанга кўпроқ ва сифатлироқ металл берайлик.

Капитал қурилишга энг кўп эътибор берайлик.

Қурилиш-монтаж ишларининг суръатини ва сифатини оширайлик.

Коллективимизнинг 1983 йилги плани ва социалистик мажбуриятлари.

Биз жаҳон революцион жараёнига ўз хўжалик сиёсатимиз билан асосий таъсир ўтказамиз.

Социалистик давлатлар ҳамдўстлиги — ҳозирги замонинг мўътабар кучи.

Бизнинг кучимиз — социалистик ҳамдўстликнинг бирлигидадир.

Социалистик давлатлар ҳамдўстлигининг планлари — тинчлик ва бунёдкорлик планларидир.

Озодаликка эришган мамлакатлар билан СССРнинг бирдамлиги ва ҳамкорлиги.

Совет Иттифоқи ва Ер юзидаги тинчликсевар кучлар.

КПССнинг мустаҳкам тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун кураши.

Зарбдорларча ишлаш — бизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимиз.

Планларимизнинг реаллиги — халқ мулкини тежашда, уни эҳтиёт қилиб асраш даҳ.

Иқтисод ва тежамкорлик йўлидаги умумхалқ ҳаракатига бизнинг ҳиссамиз.

Хом ашё ва қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришга энг кўп эътибор берайлик.

Мамлакатнинг ёқилғи энергетика комплекси.

Янги газ қувурларини муддатидан илгари ишга туширамиз.

Ҳар грамм ёқилғи — қатъий ҳисобда бўлсин.

Иш вақтининг ҳар бир соатидан фоят самарали фойдаланайлик.

Бир дақиқа ҳам бекор ўтмасин, бир грамм ҳам нобуд бўлмасин.

Бошбошдоқлик, хўжасизлик ва исрофгарчиликни тугатайлик.

Меҳнат интизомининг даражаси — коллективнинг ғоявий ва маънавий етуклиги кўрсаткичи.

Ижодий меҳнат қилувчи, юксак сиёсий ва маънавий маданиятли кишини тарбиялаб вояга етказайлик.

Интизомни бузувчиларга, ичкиликбозларга, бракчиларга муросасиз бўлайлик.

Халқ хўжалигининг резервларидан яхшироқ фойдаланайлик.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштирайлик.

Фан ва техника ютуқлари — ишлаб чиқаришга жорий этилсин.

Нега коллективимизда илғор тажриба суст жорий этилмоқда?

Янги, илғор усулларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайлик.

Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш — СССР ҳар бир граждининг муқаддас бурчи.

Ватан қудратини, Ер юзида тинчликни фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлаймиз.

Социалистик демократиянинг янада ривожлантирилиши.

КПСС ленинча миллий сиёсатининг тантанаси.

СССРнинг 60 йиллиги — совет халқлари дўстлиги ва қардошлиги байрами.

Эркин республикаларнинг мустаҳкам иттифоқи.

Биз ленинча дўстлик билан кучлимиз.

Юбилей йилини зарбдорларча якунлайлик.

СССРнинг 60 йиллигини меҳнатда, ўқишда, ижодда янги муваффақиятлар билан кутиб олайлик.

1983 йилни зарбдор меҳнат билан нишонлаймиз.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларини бажарамиз!

Ленин йўлидан — коммунизмнинг янги ғалабалари сари!

САБЗАВОТКОРЛАР ПАХТАЗОРДА

ТОШКЕНТ районидаги «Ленинград» совхозининг ишчи-хизматчиларидан 210 киши айни кунларда Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози пахтакорларига яқиндан ёрдам беришаяпти. Ҳар куни хирмонга 3—3,5 тоннадан пахта тўкаётган совхоз коллективи шу кунгача 200 тонналик хирмон уйди. Ҳосил йиғим-теримида Қувондиқ Қосимбоев, Тўлабой Мамешов, Машраб Мақсудов, Шукрулла Норхўжаев, Муқим Эшонқулов, Толипбек Маъқулбеков, Султонмурод Саидов, Бўрон Ҳайтбоев, Ёқубжон Алимов ва Зуфар Далиевлар бочқаларга намуна кўрсатиб меҳнат қилишаяпти.

Т. ДЎСОНОВ.

НАФИС НАҚШЛАР

ЭШИК олдида тўхтаб қолдим: Болтачанинг металлга урилиш овози худди соат бонгидек бир маромда, узлуксиз давом этарди. Остона хатлаб ичкарига киришим билан устахонага мослаштирилган ётоқнинг «жиҳозлари» кўзга ташланди. Унинг тўрттала томонига токчалар ўрнатилган. Уларда расм намуналари лиқ тўла. Деворларда эса ҳақиқий уста қўлини кўрган кандакорлик жилвалари. Уй эгасининг ишчи столида тугалланмаган бадиий буюм...

— Кандакорлик билан шуғулланасизми?

— Фақат иш билан ўралашиб қолиш ҳам яхши эмас. Киши ўзи севган, қизиққан машғулоти билан бироз банд бўлса, бахри-дили очилади. Бўш вақт топиб илҳомимга эрк бераман, холос. Ўз ишимдан қониқиш ҳосил қиламан...

...Юрий Николаевич Мосуновнинг гапларида жон бор. У ҳар қанча банд бўлишига қарамай, ўзининг севимли машғулоти билан шуғулланиш учун вақт топа биладн. «СССР 50 йиллиги» номли Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмасининг ихтисослаштирилган конструкторлик бюроси ходими ўз иш постида ҳам барчага ўрнак бўлиб келади. Мосунов тракторларнинг кабиналарини ясаш юзасидан бир неча марта авторлик гувоҳномасини олишга сазовор бўлган. Кабиналар эргономикасинг барча замонавий талабларига тўла жавоб беради. Ташқи кўриниши, шинамлиги, шовқини, чангни ўтказмаслиги билан эса айрим кабиналардан устун туради. Яқинда Юрий Николаевич келгусида ишлаб чиқарилиши планлаштирилаётган юз от кучига эга бўлган тракторларнинг намунавий кабиналарини жиҳозлашни ниҳоясига етказди. Ана қилинажак ишлар талайгина. Лекин, шунга қарамай, Ю. Н. Мосуновни ўз устахонасида тез-тез учратиш мумкин.

Ю. Мосуновнинг кандакорлик билан шуғуллана бошлаганига 17 йил бўлди. Даставвал у ошхона усталарининг ўзига хос асарларидан андоза кўчиришни ўзлаштирди. Шундан сўнг, ўз композицияларини яратишга киришди. Устани қўпроқ табиат манзарасини акс эттирувчи асарлар ўзига мафтун этди. Кейинчалик эса унинг асарларида кўпроқ ҳайвонот олами ўз аксини топа бошлади.

— Асарларимнинг мавзуи қилиб ҳайвонот дунёсини танлаганлигим бежиз эмас,— деб ҳикоя қилади Юрий Николаевич.— Ўтмишда кандакорлик санъатининг ана шу қирраси камроқ ёритилган. Шунинг учун ҳам бу мавзуга кўпроқ тўхтайдиган бўлдим.

Ю. Мосунов гапини тугатар-тугатмас мисдан ясалган идишни қўлимга тутқазди. Ундаги тасвирни кузатар экансан, ҳайратланасан киши. Ҳақиқий устанинг ижодига монанд асар. Унда ҳамлага ҳозирланган йўлбарснинг тасвири туширилган. Ўрмон шоҳининг ҳолати, ўз ўлжасига отилишга ҳозирланиши туфайли мушакларнинг бўртиб таранг тортилгани ҳам яққол кўриниб турибди.

Мосуновнинг ижодий лабораториясида манзарали-амалий асарларни учратиш билан бирга ватанпарварлик руҳидаги композицияларни ҳам кузатиш мумкин. Шулардан энг жонлиси Юлиус Фучиқнинг «Одамлар, мен сизни севар эдим, хушёр бўлинг!» деган сўзлари йўғрилган асардир. Ундаги манзу ўзига хос тарзда акс эттирилган: кўкда учта қўнғироқ муаллақ турибди. Унинг пастидаги мангу олов алангаси эса қўнғироқ тилларига тегиши натижасида «Одамлар, хушёр бўлинглар» деган мунгли садо тарқалмоқда.

— Кейинги йилларда яратган асарларим ичида энг дуруст чиққани шу бўлса керак, деб ўйлайман,— дейди кандакор уста.

Юрий Николаевичнинг асарлари бир неча марта республика бадиий кўргазмаларида намойиш этилган, дипломларни олишга сазовор бўлган. Ҳозир эса Мосунов янада зўр ғайрат билан ижод қилмоқда. Қисқа қилиб айтганда, металлда асар яратишни давом эттирмоқда.

Ю. ЛИСОВ,
СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходими.

КОММУНИСТЧАСИГА ИШЛАШГА УРГАТАЙЛИК

Иқтисодий билимларни пропаганда қилиш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида кўп йиллик фаол ишлари учун Ўзбекистондаги корхоналар, муассасалар, хўжаликларнинг коммунистик меҳнат мактаблари энг яхши пропагандистлари ВЦСПСнинг фахрий ёрлиқларига сазовор бўлдилар.

Мукофотланганлар орасида «Компрессор» заводи, ички транспорт участкасининг бошлиғи коммунист Ҳабибулло Рустамович Дадабоев ҳам бор. У ўз умрининг кўп йилини ана шундай мактабга раҳбарлик қилишга бағишлади. Бу мактабда автокарлар, тракторлар, тягачларнинг ҳайдовчилари билим оладилар. Ҳар бир тингловчида юксак меҳнат ва ижтимоий активликни тарбиялаш — шу мактаб ишидаги асосий вазифадир. Бунинг натижасида деярли ҳамма тингловчилар коммунистик меҳнат зарбдори бўлишди. Транспортчилар ўзларининг аниқ-пухта ишлари билан «Компрессор» заводи коллективи эришаётган муваффақиятларга катта ҳисса қўшмоқдалар. Бу коллектив беш йилликнинг икки йили топшириғини муддатидан икки ой илгари бажарди.

(ЎзТАГ)

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯДАН

ИШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ

Тошкент область касаба союзлари Совети билан Н. М. Шверник номидаги ВЦСПС касаба союз ҳаракати олий мактабининг илмий-тадқиқот бўлими 23 ноябрда «КПСС XXVI съезди ва СССР касаба союзлари XVII съезди қарорлари асосида касаба союз ташкилотлари иш формалари ва услубларини янада такомиллаштириш» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказдилар.

Область касаба союзлари Советининг раиси А. В. Брайлов «Область касаба союзлари Советининг КПСС XXVI съезди ва СССР касаба союзлари XVII съезди қарорларини бажариш юзасидан бошланғич касаба союз ташкилотларига раҳбарлик қилиш бўйича ишининг асосий йўналишлари» тўғрисида доклад қилди.

Илмий-амалий конференция қатнашчилари касаба союз ҳаракати олий мактаби илмий-тадқиқот бўлимининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати Е. Е. Соколов, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси В. Г. Хомова, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси А. Б. Махмудов, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори И. Х. Мусин, Тошкент шаҳар Киров район партия комитетининг биринчи секретари М. С. Камолова, маҳаллий саноат ва коммунал-маиший корхоналар ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси Д. М. Ғуломова, Янгийўл районидаги У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси М. Н. Шестаков, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози касаба союз комитетининг раиси Л. Г. Пак, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси Т. Д. Чуриковаларнинг нутқларини тингладилар.

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов сўзга чиқди.

Конференция билан бир йўла ташкилий-оммавий ва иқтисодий ишлар, меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш, социал маиший ва тарбиявий ишлар масалалари бўйича секциялар иш олиб борди.

Конференция ишида Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг секретари О. К. Адаманов иштирок этди. Қуйида илмий-амалий конференцияда кўриб чиқилган масалалар баён этилади.

ТАШАББУСЛАР КЕНГ ЁЙИЛМОҚДА

СОВЕТЛАР Ватани шонли юбилейини муносиб кутиб олиш учун қурашаётган областимиз меҳнаткашларидан минглаб киши, 30 мингтага яқин цех, участка, бригада ва смена «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» ватанпарварлик ҳаракатида иштирок этмоқдалар.

Ўн беш нафар ишлаб чиқариш илғорининг беш йилликда ўн йиллик планни бажариш ташаббуси ҳам кенг қулоч ёймоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган бу ташаббусни областимизнинг 2715 новатори қўллаб-қувватлаган. Улардан 2500 тадан кўпроқ киши қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларини оширишда давом этмоқдалар.

В. П. Чкалов номидаги авиация, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик, «Электрохимпром», «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Ўзбекистон қишин эрийдиган ва ўтга чидамли, Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, трактор, электрон техникаси, «Миконд» заводлари, «Ўзбекшахтастрой» трести, 1-уйсозлик комбинати, Бекободдаги 16-автокорхона, 3-автокомбинат, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози ҳамда бошқа корхона ва ташкилотлар касаба союз комитетлари мусобақанинг таъсирчанлиги, оширалиги тўғрисида мунтазам гамхўрлик қилмоқдалар, илғорлар тажрибасини кенг оммалаштиришмоқда.

Бу ерларда ишчилар ўртасида таъсирчан шахсий мусобақа ташкил этилган, касб маҳорати бўйича кўрик ва конкурслар ўтказилади. Ишчиларнинг қўшимча касбларни эгаллашларига, малакаларини оширишга зарур шароитлар яратиб берилган. Касаба союз ташкилотлари бригада пудрати усулини жорий этиш, ишчиларнинг ижодий активлигини ошириш чораларини кўрмоқдалар.

Инженер-техник ходимларнинг ва хизматчиларнинг мусобақаси ҳам яхши ташкил этилган. Улар шахсий ижодий планлари асосида иш олиб борадилар.

Мусобақада голиб чиққанлар тантанали вазиятда нафланади. Меҳнат беллашуви ошкоралигини таъминлаш учун «Мусобақа экрани», «Кўрсаткичлар тахтаси», «Чақмоқ»лар. деворий газеталардан кенг фойдаланилади.

Ҳозир область саноатида 12 мингта коллектив бригада пудрати усулида ишлаяпти. Уларда 175 мингдан кўпроқ киши меҳнат қилади. Бригада пудратини жорий қилишни автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари, электр станциялар, электротехника, металлургия ва химия саноати ишчилари касаба союз комитетлари аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда олиб бормоқдалар. Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилаётган барча ишчи-хизматчиларнинг 63 проценти, Тошкент трактор заводида — 55, «Ташсельмаш»да — 60,3, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида — 64,3, Ўзбекистон металлургия комбинатида — 77,5, Тўйтепа металл конструкциялари заводида — 72 проценти бригада пудрати усулида ишламоқда.

Область қурилиш ташкилотларида бу йил жами қурилиш-монтаж ишларининг 55 проценти ана шу прогрессив усулда ишлаётган қурувчилар томонидан бажарилди. Бригада пудратини жорий этишда «Ўзбекшахтастрой» трести, «Главташкентстрой»нинг айрим бўлинмалари яхши натижаларга эришдилар.

Автотранспортда 322 бригада хўжалик ҳисобида ишламоқда. Янгича усулда ишлаш ташаббусини Бекободдаги 16-автокорхонанинг Х. Абдуважборов бошлиқ бўлган ҳайдовчилар бригадаси коллективи бошлаб берди. Уларнинг ташаббуси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди. У дастлабки сайловда рақиблари — министрлар кабинети аъзолари бўлмиш Тосио Комото, Синтаро Абе ҳамда Итиро Накагавудан анча устун келди. Парламентнинг эртага очиладиган навбатдан ташқари сессиясида у Японияннинг Бош министри қилиб сайланади. Чунки мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органида либерал демократлар мутлақ кўпчиликни ташкил этади.

Я. Накасонэ тажрибали сиёсий арбобдир. У ҳар хил министрлик лавозимларида, шу жумладан ташқи савдо ва Саноат министри, Миллий мудофаа бошқармаси бошлиғи бўлган. ЛДПда Я. Накасонэ фракциялардан бирига бошчилик қилади. Айни маҳалда у эътиборли Д. Судзуки, собиқ Бош министр, К. Танакаларнинг гуруҳлари мададига ҳам суянади.

Матбуот Накасонэ мамлакат савдо саноат доираларининг обрў эътиборли вакиллари билан қалин алоқада эканлигини, булар унинг либерал демократлар раҳбари қилиб тайинланганлигини мамнуният билан кутиб олганликларини ёзмоқда. «Иомиури» газетасининг ёзишича, улар «сиёсий ва иқтисодий вазифаларни ҳал этишда уни қўллаб қувватлаш ниятидадирлар».

Суратларда: (чапда) Касаба Союз ҳаракати олий мактаби илмий-текшириш бўлимининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати Е. Е. Соколов; лекция ўқимоқда, (ўнгда) мажлислар залида.

А. Мальцев фотоси.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ — ҲАММАНИНГ МУЛКИ

В. П. ЧКАЛОВ номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида социалистик мусобақани ташкил этишда катта тажриба тўпланган. Мусобақа шартларида меҳнат беллашувига якун ясаш муддатлари, голибларга қўйиладиган талаблар, ҳар кунги, ойлик, кварталлик, йиллик маънавий ва моддий рағбатлантириш ишчи омиллари аниқ белгилаб қўйилган.

Бирлашмада цехлар, бўлимлар, хизматлар, группалар, участкалар, бригадалар томонидан олинган социалистик мажбуриятларни жамоатчилик ҳимоясидан ўтказиш йўлга қўйилган.

Касаба союз комитети маъмурият билан биргаликда ва партия ташкилоти раҳбарлигида илғорларнинг ватанпарварлик ташаббусини кенг ёйиш бўйича катта иш олиб бормоқда.

Ингувчи-слесарь, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Маннопов ўн биринчи беш йилликда ўн йиллик планни бажаришга қарор қилган эди. Ҳозир у 1984 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Илғор ишчининг қимматли ташаббусини асосий ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган 1900 киши қўллаб-қувватлади.

25-цех бригада бошлиғи В. И. Кияшченко ва шу цех ингувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Г. Павлова «Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича ўн биринчи беш йиллик топшириғини — 3—3,5 йилда» ташаббуси билан чиқди. Уларнинг ташаббусига 900 та бригада қўшилди. Шунингдек, 31-цех инженери Т. К. Ляшконинг «Беш йилликка — инженерлик кафолати» ташаббусини ҳамма инженер-техниклар қўллаб-қувватлади.

Ташаббускорлар тажрибаси коммунистик меҳнат ва илғор тажриба мактабларида, доимий иш олиб борадиган касаба союз активи курсларида ўрганилмоқда. Цех ва бўлимларда мунтазам равишда новаторлар кунлари ўтказилади. Тажриба алмашиш бўйича конференциялар ва кенгашлар ҳам бўлиб ўтяпти.

Кўп йиллардан буён социалистик мусобақага ҳар куни якун ясалади. Бунда 6 та асосий кўрсаткич: ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, унинг сифати, смена топшириғининг бажарилиши, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш жойи маданияти ҳисобга олинади. Ҳар бир цех ва бўлимда социалистик мусобақани ташкил этиш бўйича тузилган штаблар аъзолари партбюро секретарлари, цехком раислари, барча хизматлар вакиллари, мастерлар, бригадалар, ишчилардан иборат.

Бирлашмада меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати кенг қулоч ёйган. Ҳозир корхона ишчи-хизматчиларининг кўплари коммунистик меҳнат зарбдорларидир. 68 цех ва бўлим, 1358 бригада, группа, бюро, лаборатория коммунистик меҳнат коллективи юксак номига сазовор бўлган.

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бригадаларнинг 90 проценти янги услубда ишлашга ўтган. Бригада пудрати меҳнат унумдорлигини оширишга, дастгоҳлардан самарали фойдаланишга хизмат қиляпти. Бу бригадалар аъзолари мунтазам равишда малакаларини оширадилар, қўшимча касбларни эгаллашади.

Бирлашма коллективининг ўн ойлик планни муваффақиятли бажаришида хўжалик ҳисобида иш юритишнинг аҳамияти катта бўлди. Корхонада планга қўшимча равишда 1 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 297 та трактор, 73 та прицеп, 275 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди. Маҳсулотларнинг деярли учдан бир қисми Давлат сифат белгиси билан чақирилди.

Шунингдек, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам илғорлар тажрибаси ҳамманинг мулкига айланиши учун зарур чоралар кўрилмоқда.

ҚИШЛОҚ ТУРМУШ МАДАНИЯТИ ЮКСАЛИШДА

СССР Озиқ-овқат программасида қишлоқни социал ривожлантириш тадбирларини изчил амалга ошириш, қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, маданий, маиший, медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш партия, совет, хўжалик касаба союз органларининг энг муҳим вазифаси деб таъкидланган.

Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозида ҳозир 1100 ўринли маданият саройи, учта клуб, кинотеатр, лекторий, музика мактаби, 50 минг нусха китоб фондига эга бўлган 4 та кутубхона бор.

Хўжалик касаба союз ташкилоти қишлоқ меҳнаткашларининг маданий ҳордиқ чиқаришларини яхшилаш учун курашяпти. Колхоз клубларида профессионал артистлар билан биргаликда бадиий ҳаваскорлар концертлар қўйиб берадилар. Шеърият кечалари, адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашувлар, кинолекторийлар, ота-оналар университетлари, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг кўрик ва конкурслари колхоз аъзоларида катта қизиқиш туғдиряпти.

Хўжаликнинг «Чен-чун» халқ ансамбли меҳнаткашлар бадиий ҳаваскорлиги биринчи Бутуниттифоқ фестивалининг лауреати бўлди. Ансамблнинг халқ Монголиясига гастроллари муваффақиятли ўтди.

Колхозда савдо, маиший хизмат корхоналарининг шахобчалари кенгайиб боряпти.

У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси Тошкент ва бошқа шаҳарлар аҳолисини мева ва узум билан таъминлаб турибди. Бирлашмада 5 та боғдорчилик-узумчилик совхози, теплица-парник хўжалиги, 2 та йирик завод бор.

Бирлашма коллективи бу йил давлатга мева сотиш планини 110, сабзавот сотиш планини 195,6 процент бажарди. Шунингдек, давлатга гўшт ва сут сотиш топшириқлари ҳам ўринлаб қўйилган. Бунда меҳнаткашлар ўртасида социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш муҳим аҳамият касб этяпти. Касаба союз комитети қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш чораларини ҳам кўрмоқда.

* * *

Конференцияда КПСС XXVI съезди ва СССР касаба союзлари XVII съезди қарорлари асосида касаба союз ташкилотлари иш форма ва услубларини янада такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар тасдиқланди.

Ҳалқаро ҳаёт

ЛДПнинг навбатдан ташқари съезди

ТОКИО, 25 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда ҳукмрон либерал демократик партиянинг навбатдан ташқари съезди бўлиб ўтди. Ўтган ойда партия ранси лавозимидан истеъфога кетиши тўғрисида ариза берган Дзенко Судзуки ўрнига партиянинг раиси сайлаш қўйиш съезд кун тартибидаги асосий масала эди. Съезд ишида ЛДПдан парламент депутатлари ва шу партиянинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларидаги вакиллари иштирок этдилар. Маъмурий бошқарма бошлиғи Ясухиро Накасонэ партиянинг янги раиси қилиб сайланди. У дастлабки сайловда рақиблари — министрлар кабинети аъзолари бўлмиш Тосио Комото, Синтаро Абе ҳамда Итиро Накагавудан навбатдан ташқари сессияда у Японияннинг Бош министри қилиб сайланади. Чунки мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органида либерал демократлар мутлақ кўпчиликни ташкил этади.

Я. Накасонэ тажрибали сиёсий арбобдир. У ҳар хил министрлик лавозимларида, шу жумладан ташқи савдо ва Саноат министри, Миллий мудофаа бошқармаси бошлиғи бўлган. ЛДПда Я. Накасонэ фракциялардан бирига бошчилик қилади. Айни маҳалда у эътиборли Д. Судзуки, собиқ Бош министр, К. Танакаларнинг гуруҳлари мададига ҳам суянади.

Матбуот Накасонэ мамлакат савдо саноат доираларининг обрў эътиборли вакиллари билан қалин алоқада эканлигини, булар унинг либерал демократлар раҳбари қилиб тайинланганлигини мамнуният билан кутиб олганликларини ёзмоқда. «Иомиури» газетасининг ёзишича, улар «сиёсий ва иқтисодий вазифаларни ҳал этишда уни қўллаб қувватлаш ниятидадирлар».

ҚЎЗҒОЛОНЧИЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАРАКАТЛАРИ

САН-ХОСЕ. Американинг қўллаб-қувватлаши билан ҳокимият тепасида турган Сальвадорнинг қўғирчоқ режими 1980 йил март ойида мамлакатда жорий этилган қамал ҳолати муддатини яна бир ойга чўзди. Маъмурлар шундай қилиб халққа душман режимга қарши ватанпарварлар олиб бораётган курашни тўхтатмоқчи бўладилар.

Қўзғолончиларнинг «Венсеремос» радиостанцияси хабар беришича, халқ озодлик фронти отрядлари душманга зарба беришни давом эттирмоқдалар. Усулутан департаментидаги Табуре-те-Ларо поселкасида қўзғолончилар режимнинг отлиқ аскарларига муваффақиятли ҳужум қилдилар. Бошланиб кетган жанг натижасида душман 24 кишидан маҳрум бўлиб, қочиб қолди. Партизанлар анчагина миқдорда қурол-яроғ ва ўқ-дорини қўлга туширдилар. Жанговар ҳаракатлар Сан-Висент, Морасана ва Сальвадорнинг бошқа бир қанча департаментларида давом этмоқда.

(ТАСС, 26 ноябрь).

ҚАРШИЛИК КЎРСАТМОҚДАЛАР

ДАМАШҚ, 25 ноябрь. (ТАСС). Исроил босиб олган араб территорияларида ва Ливанда агрессорларга қарши кураш тобора кучаймоқда. Ноябрь ойининг ўзидагина Фаластин ватанпарварлари босқинчиларга қарши 20 марта муваффақиятли ҳарбий операция ўтказдилар. Ана шу жанговар рейдлар давомида, деб хабар қилади Фаластин ВАФА агентлиги, исроилликларнинг кўплаб ҳарбий объектлари, турли жанговар техникаси яксон қилиб ташланди, сионистлар кўплаб аскарларидан маҳрум бўлди.

Босиб олинган араб ерларида сионистлар ўтказаётган террор ва репрессиялар сиёсати, деб таъкидлайди агентлик, кўплаб араб аҳолисини душманга қарши курашга отлантирмоқда.

ИНТЕРВЕНЦИЯЧИЛАРНИНГ ИҒВОГАРЛИГИ

БАЙРУТ. Жануби-Шарқий Ливаннинг Рашайя ал-Вади районида Исроилнинг босқинчи қўшинлари Ливанда тинчликни сақлаб қолувчи араб мамлакатларидаги кучлар составига кирган Сурия қўшинлари позициясини ўққа тутдилар.

Мамлакатнинг шу қисмида Даҳр ал-Аҳмар аҳоли пункти районида исроилликлар ўзларининг бронетанк қисмларини тўпладилар. Ҳозирги вақтда у ерда агрессорларнинг юзга яқин танк ва бронетранспортёри тўпланган.

Исроил вертолётлари Бекаа водийсининг жанубий-шарқий қисмида ҳамон учиб юрибди.

Ливан ватанпарварлари Жанубий Ливаннинг Сайда шаҳрида Исроил ҳарбий маъмуриятининг штабига ҳужум қилдилар. Шаҳар мактабларининг бирида жойлашган ҳарбий маъмурият биноси ракетадан ўққа тутилди. Босқинчилар ҳужум қилинган районни дарҳол қуршаб олдилар ва кўп кишини қамаб, тинтув қилдилар. Шаҳарнинг кўпгина кўчаларида ҳаракат тўхатилди.

Ливан ҳукумати бу ерда бўлиб ўтган мажлисида мамлакатда умумий мажбурий ҳарбий хизматни жорий этишга қарор қилди. Эндиликда Ливаннинг 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ва ўйланмаган йигитлари ҳарбий хизматга чақирилади.

ИТАЛИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЗАБАСТОВКАСИ

РИМ, 24 ноябрь. (ТАСС). Италиядаги саноат корхоналарининг меҳнаткашлари умумиталия меҳнат конфедерацияси, Италия касаба союзлари конфедерацияси, Италия меҳнат иттифоқи касаба союзлари ягона федерациясининг даъватига биноан бугун тўрт соатлик умуммиллий забастовка ўтказдилар.

Забастовкада иштирок этган 8 миллионга яқин киши йирик капитал ҳукмронлигига қарши норозилик билдирди, ҳукуматнинг ишчилар манфаатларига зид бўлган иқтисодий сиёсати бекор қилинишини талаб этди. Забастовка муносабати билан кўплаб шаҳарларда оммавий намойиш ва митинглар ўтказилди. Бўларда касаба союз ташкилотларининг раҳбарлари ва демократик партияларнинг вакиллари сўзга чиқишди. Улар мамлакат экономикасининг ҳозирги аҳволидан, меҳнаткаш омма турмуш даражасининг янада ёмонлашаётганлигидан жиддий ташвиш изҳор этдилар. Марказий статистика институтининг маълумотларига кўра, шу йилнинг сентябрь ойида саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,8 процент қисқарган. Пулнинг қадрсизланиши янада кучайиб, ҳозирги вақтда 17,2 процент бўлди, ишсизлик тўхтовсиз ошиб, ишсизлар 2,3 миллион кишига етди.

Экранда дўстлик мадҳияси

Россиянинг Ноқоратупроқ ўлкасини обод қилишда иттифоқдош республикалар вакилларининг иштирокини тасвирловчи кадрлар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган «Биз — 60 ёшдамиз» деган янги ҳужжатли фильмга киритилди. Бу фильм совет кишиларининг қалби дарёлигини, халқларнинг ленинча дўстлиги голибона кучини тасвирлайди.

Экран серқуёш Ўзбекистон намояндалари билан таништиради; улар Новгород области объектларида неча йилларидан бери меҳнат қилмоқдалар — йирик бинокорлик индустрияси базасини, уй-жой поселкаларини, ишлаб чиқариш биноларини қурмоқдалар, янгидан ҳаёт бахш этилган ерларда хўжаликлар барпо этмоқдалар. Фильм қаҳрамонлари орасида Андижондан келиб, олис районлардан бирида «Тошкент» совхозига асос солган ВЛКСМ XIX съезди номидаги комсомол-ёшлар отрядининг қатнашчиларини кўрасиз. Ёш механизаторлар Новгород ерларини ўзлаштиришда Мирзачўлни обод қилишдаги бой тажрибани ишга солмоқдалар.

Кинокамера Ноқоратупроқ ўлкадаги янги хўжаликка ном берган шаҳар — Тошкентни томошабинларга таништиради. Даҳшатли зилзиладан кейин вайроналар ўрнида қайта тикланган бу шаҳар турли халқлар қардошлиги ва ўзаро ёрдамининг тимсоли бўлиб қолди. Кинохужжатчилар Тошкентдаги иморатлардан бирига бўрттириб ёзилган «Ўзбек халқи бахтиёр бўлсин!» деган сўзларни кўрсатадилар. Москвадан келган қурувчилар шу сўзларни ёзиб қолдиргандар. Шаҳарда Россия ва Белоруссия, Украина ва Молдавия, барча иттифоқдош республикалар номи билан аталган кварталлар бор. Қайта тикланган шаҳар марказидаги янги метро станцияси, янги проспект ва майдон «Халқлар дўстлиги» деб аталади.

Литва, Белоруссия ва Латвия чегарасида урушдан кейинги дастлабки йилларда қад кўтарган кичикина колхозлараро электр станцияси ҳам шу ном билан аталади. Айни ўша йилларда шоир Э. Межелайтис шу воқеадан илҳомланиб «Қардошлик достони»ни ёзган эди. Экрандан авторнинг ўзи шу достон сатрларини ўқийди. Орадан йиллар ўтди, ҳозирги миқёсга кўра кичиккина бўлган ўша ГЭС ёнида Игналин атом электр станцияси қад кўтарди.

Мамлакатнинг турли жойларида суратга олинган кинолента совет кишилари қардошларча дўстлигининг кўпгина намуналарини тараннум этади. Кино ҳужжатчилар Сибирь ва Узоқ Шаркда бўлдилар, Байкал—Амур магистрали бўйлаб барпо этилган янги шаҳар ва поселкаларни суратга олдилар. Улардан ҳар бирининг қиёфасида аср қурилишини оталиққа олган иттифоқдош республикаларнинг бетакрор миллий хусусиятлари ифодаланган.

Ҳужжатли фильмлар марказий студиясида яратилган янги кинолента кинематографиячилар ижодининг бош мавзуи — жонажон дněпрни обод қилаётган меҳнат аҳли мавзуини давом эттиради.

(ТАСС мухбири).

ЯНГИЛИКЛАР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

101 адрес бўйлаб

«Ташсельмаш» заводи тамғаси туширилган пахта териш машиналарини бугунги кунда ер юзининг уч қитъаси далаларида учратиш мумкин. Шунинг қувончлиги, корхонада ҳалқ эҳтиёжи учун зарур бўлган кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилган. Рўзғорбоп қозон, болаларга мўлжалланган стол ва стуллар ана шулар жумласидандир.

Харидоргир маҳсулотларнинг навбатдаги катта партияси яқинда 101-адрес бўйича Наманган областининг Косонсой райони савдо тармоқларига жўнатилди.

●

Кўргазмалар, лекциялар, суҳбатлар

Бўстонлиқ районида илмий атеистик билимларни пропаганда қилиш ойлиги бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Ғазалкент шаҳрида, Чорвоқ, Товоқсой посёлкаларида илмий атеизмни тарғиб қилувчи «Инсон ва қонун», «Янгича анъаналар — ҳаётга», «Ислом ва коммунизм» сингари мавзуларда кўргазмалар ташкил этилди. Савол-жавоб кечалари ўтказилди, суҳбатлар ва лекциялар уюштирилди.

Бундай ибратли тадбирларни амалга оширишда район «Билим» жамияти аъзолари, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф ходимлари қатнашдилар.

●

Колхозда универмаг

Тошкент районидаги Навоий номли колхоз меҳнаткашлари янги очилган универмагдан дастлабки буюмларни харид қилдилар. Икки қаватли бино қишлоқ марказини безади. Унинг савдо залларида тайёр кўйлак, болалар буюмлари, пойбзал, атир-упа секциялари жойлашган. Буюртмалар столи, катта ҳажмдаги буюмларни уйга элтиб берувчи бюро ишламоқда.

Ғалаба районидаги Солдатский посёлкасида ҳам ана шундай катта универмаг очилди.

●

«Оптика» хизмат кўрсатади

Айни кунларда Тошкент шаҳрида 20 дан ортиқ «Оптика» магазинлари ишлаб турибди. Яқинда Сергели районидаги 3-Кўйлиқ массивида ва Чилонзор районининг 20-кварталида ана шундай янги магазинлар очилди. Йил охиригача Ҳамза ва Куйбишев районларида ҳам бундай магазинлар иш бошлайди.

ПЛАКАТЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР Рассомлар союзи кўргазмалар залида шу кунларда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган плакатчи рассомларнинг республика кўргазмаси намойиш этилмоқда. Кўргазмага қўйилган юздан ортиқ турли мавзудаги асарларни санъат ихлосмандлари катта қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Плакат жанри — партия агитация ва пропагандасининг энг таъсирчан воситаларидан биридир. Тасвирий санъат турлари ичида у воқеаларга ҳозиржавоб муносабат билдириши билан ажралиб туради. Республика плакатчи рассомларининг янги асарларида доҳиймиз В. И. Ленин образи марказий ўринни ишғол қилади. Хусусан, А. Шерстневнинг «Яшасин, Совет Социалистик Республикаларининг бузилмас Иттифоқи!», А. Балкановнинг «В. И. Ленин — СССРнинг асосчиси», Х. Ҳасановнинг «60 ёш», В. Евенконинг «Адресимиз: Совет Иттифоқи» ва бошқа асарларда образли тафаккурнинг ўткирлиги, ўзига ҳос топилмалар, бадиий воситалар ва рамзий деталлардан моҳирона фойдаланиш маҳоратларини кўрамиз.

Бутун дунёда тинчликни сақлаш учун кураш ва қуролланиш пойгасини жиловлаш учун тинчликсевар кучларни бирлаштириш — Ф. Кагаровнинг «Тинчлик учун», «Дўстлик», «Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи» номли плакатларининг етакчи мавзуини ташкил қилади.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Б. Жуковнинг «Дунёни қурамиз», О. Арутюновнинг «Тафаккур ғолиб чиқади», Ю. Зименковнинг «Тинчлик ҳамкорлиги учун» ва бошқа асарлари ҳам шу руҳга ҳамоҳангдир.

Ўзбек плакатчи рассомларининг ижодида энг муҳим ғояларни инсон дунёқараши орқали ифодалаш ва илғари суриш яхши анъанага айланган. Кўргазмадаги плакатларда меҳнат кишисининг образи марказий ўринни эгаллаган асарлар ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотади. Шу ўринда А. Балкановнинг «Юксак «оқ олтин» хирмони яратиш учун», П. Красноярцевнинг «Жиззах тупроғининг меҳнаткаши — Х. Ҳалиловга шон-шарафлар!», Р. Неъматжоновнинг «Турсуной бўламан!» каби плакатларини тилга олиб ўтиш ўринлидир. Замондошларимизнинг ўзига хос қиёфасини яратишда Г. Ткачев, Ф. Махотин, Р. Алиев, Т. Аҳмаджонов каби рассомлар самарали меҳнат қилмоқдалар.

Табиатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш — бугунги кунинг долзарб масаласидир. Кейинги йилларда бу мавзуда ҳам ўзбек рассомлари самарали ижод қилмоқдалар.

Тасвирий санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотаётган плакатчи рассомларнинг бу кўргазмаси бутун ер юзида тинчликни сақлаш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, совет турмуш тарзининг афзалликлари ва яратувчилик меҳнатининг гаштини таранним этади.

Т. ОДИЛБЕКОВ.

СССР 60

БУ ИШЛАР—ҲАММАГА ТЕГИШЛИ

МАҲАЛЛА КОМИТЕТЛАРИ ФАОЛИЯТИ

Маҳалланинг ишлари анча мураккаб. Маҳалла комитетларининг фаолияти эса, ўзининг оммавийлиги, демократия асосида иш юритиш, ғоявий-тарбиявий вазифаларнинг ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. У кенг жамоатчилик асосида ишлайдиган кўнгилли ташкилотдир. Комитет активлари маъмурий буйруқларга кўра эмас, балки ихтиёрий, ҳолисанилло хизмат қилишади. Шу жиҳатдан ҳам комитет атрофига ташкилий ишларга қобилиятли, эл хизматини астойдил бажарадиган, жамоат топшириғини беминнат адо этадиган одамларни тўплаш ишга катта фойда келтиради.

Маҳалла комитетларининг кўп қиррали фаолияти ҳақидаги ўзимиз амалга ошираётган ишлар мисолида баъзи фикр-мулоҳазаларни ўртага ташламоқчиман. Аввало кўпчиликка бош-қош бўлаётган, сўзи ўтадиган, эл хизмати йўлида тажриба ортирган кишилардан иборат қариялар совети аъзоларининг иши ҳақида гапирмоқчиман. Илҳом ота, Абдурашид ота, Абдуғаффор ота, Қудратхўжа ота, Ҳикмат ота, Қодир ота, Юсуф ота, Садр ота, Бойаҳмад ота, Ҳошим ота, Абдуқодир ота, Карим ота, Тўхтамурод ака, Шоқир ака, Ҳамидулла ака, Обид ака, Маҳкам ака каби аъзолар кўпчилигининг обрў-эътиборига, ишончига сазовордирлар. Улар революция ва Улуғ Ватан уруши жангоҳларида, ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида тобланган, бой ва ҳаётий тажрибаларга эга бўлган пенсионерлар бўлиб, қўни-қўшничиликдаги баъзи келишмовчиликлар, оилавий жанжалларни ҳал этиш, уй-жой, олди-сотди масалаларини, ободончилик ишларини амалга ошириш, тўйлар ва турли маросимларни ўтказиш ишларини ўз зиммаларига олишган. Уларнинг маҳаллада таъсири, нуфузи катта.

Маҳалла комитетининг ободонлаштириш, ўртоқлик суди, агитация ва пропаганда, хотин-қизлар, кўнгилли ҳалқ дружинаси бўлимлари, ревизия ва тўй комиссиялари аъзолари орасида ягона фикр, ўзаро аҳиллик ва ҳамкорлик бўлсагина ишни тўғри ташкил этиш осон кўчади. Лекин очиғини айтиш керак, ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди. Афсуски, баъзи бўлимлар ва айниқса, тўй комиссиялари аъзолари амалий иш қилмайдилар, бир ёқадан бош чиқариб сезилмайди. Натижада асосий ташкилий ишлар раисининг зиммасига тушади. Маҳалла комитети раисларининг кўпчилиги турли давлат идораларида, корхоналарда — асосий иш жойларида меҳнат қиладилар, маҳалла раислиги эса уларга қўшимча вазифа эканлиги ҳисобга олинмайди. Шу ўринда мен комитет ҳузуридаги барча комиссия ва бўлимлар фаолиятини жиддий жонлантириш заруратини алоҳида эслатиб қўймоқчиман.

Икки оғиз сўз маҳалла комитетларининг моддий имкониятлари хусусида. Унинг турли маросимлари ўтказиш учун ўзига яраша қозон-товоғи, чойнак-пиёлалари, стол-стуллари, муҳри, ҳар хил оммавий ёғингларга мўлжалланган зарур асбоб-анжомлари, клуби, чойхонаси, идораси бўлади. Булар шу ерда яшовчи аҳолидан кўпчилик ҳизмати учун йиғиладиган маблағ эвазига олинади. Ана шу йиғилган маблағларнинг сарф-ҳаражати, ҳисоб-китобини комитет ҳузуридаги ревизия комиссияси олиб боради. Бошқача қилиб айтганда маҳалла комитетларининг бундан бошқа моддий базаси йўқ. Аҳолининг эҳтиёжига келсак, ишлаб чиқариш корхоналаридагидек маҳаллий советларга сайланган депутатлар меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини, шароит ва имкониятларга яраша тегишли ташкилотлар, давлат органи ва маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари орқали қондирадилар.

Йилдан-йилга турмушимиз фаровонлашиб бораяпти, кишиларнинг орзу-ҳаваси кучайяпти, тўй ва маросимлар, йиғинлар, меҳмондорчиликлар кўп. Бу яхши, албатта. Лекин кўпинча ҳаддан ошиб кетиляпти. Ортиқча дақмазалар, ҳеч кераги йўқ маросимлар, ортиқча сарф-ҳаражатлар, исрофгарчиликларга йўл қўйиляпти. Бундай ҳоллар тўйга тайёргарлик, маслаҳат оши, қизлар базми, қуда чақириқларни ва никоҳ базмларида яқкол кўриниб турибди. Меҳмонларга овқатларни тортишнинг ҳисобига етмай қоласан баъзан. Патирлар, бўрсилдоқ нонларни ҳаддан ортиқ кўпайтириш, ейилса-ейилмаса 4—5 хил таомлар тортиш, ичкиликни меъёридан ошириш ҳожат бормикин?

Халқимизнинг: «Пул топишга топибди-ю, сарфлашни билмабди» деган оқилона гапи бор. Ойлар, йиллар давомида кам еб, кам ичиб, тийинлаб пешона тери билан йиғилган пул, маблағ наҳотки уч, тўрт соат ичида беҳудага совурилиб юборилса-ю! Ичимликни айтмайсизми? Кўёв ва унинг ўртоқлари энди тортинмай қизларнинг ўтиришларига ҳам келишади, келининг ота-онаси хонадонида ичкиликбозлик қилинади. Бу «Қиз базми» эмиш. Бизнингча бу ярашмаган қилиқлар бўлгани қайнота ва қайнонанинг ҳурматини илк қадамдаёқ оёқ ости этишдан, андишасизликдан иборат. Баъзи ота-оналар эса бунга бефарқ қараб «Ҳозирги ёшлар шунақада» дейиш билан чекланадилар. Маҳаллалардаги тўйларда учраб турадиган баъзи ноҳушликлардан мисоллар келтираман. Маҳалла комитети раисининг муовини тўйда хизмат қилаётган санъаткорга микрофонни энди ўчирамиз, ҳозирги тартиб-қоида шунақа деса, унга артист: «маҳалла активи бўлсангиз, сизнинг жойингиз дарбозахонада, микрофон бизники, уни узамизми, йўқми бу бизнинг ишимиз, аралашманг» деди.

Яна бир воқеа. Маҳалла комитетининг раиси тўйда белгиланган муддатдан ўтгандан кейин энди тўй базми микрофонсиз давом эттирилади деб эълон қилганида, шира-кеф бир-икки йигит уни қаттиқ ранжитди, анчагина озор беришди. Бундай ўзини тутабилмайдиган шахслар ҳам тўй эгаси учун «азиз меҳмон» бир нима дея олмайди. Бир нима десангиз «кайфи бор, ҳафа бўлманг, тўйчиликда» дейишади. Лекин бундай бўлиши бизнингча мутлақо тўғри эмас. Ахир маҳаллаларда тўй қилаётганлар кўпчилик. Хусусан, комитет активлари тўй комиссияси аъзолари фикри билан ҳисоблашишлари, жамоат тартибини ҳурмат қилишлари, ичкилик эса меъёрида тортилиши керак! Олдиндан ҳар бир таклиф, шартга «хўп бўлади» деб кўнишади, тўй бошлангач билганларича иш тутишади.

Маҳаллаларда бошқа йиғинларга нисбатан тўйларни тартибга солиш, ихчамлаштириш анча мушкул бўляпти. Шу боисдан ҳам маҳалла ишлари ҳақида гапирганда бу масалага айниқса кенгроқ тўхталамиз. Бизнингча шаҳар Совети ижроия комитети тўйлар ва янгича маросимларни ташкил этиш, ўтказиш юзасидан фикр алмашиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида шаҳар миқёсида бирор бир кенгаш ўтказса, аниқроқ тавсиялар ишлаб чиқса бўлмасмикин ёки барча маҳалла комитетлари ва жамоат ташкилотларининг тўйлар ва бошқа замонавий маросимларни ўтказишдаги ишларига йўналтирадиган, амалий ёрдам берадиган жамоатчи комиссия тузиш мумкин бўлмасмикин? Хуллас, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар кўп. Халқнинг кундалик турмуши, шахсий ҳаёти билан боғлиқ бўлган бундай масалаларни жиддий ўргансак айни муддао бўлур эди. Хуллас, маҳалла комитетлари фаолиятларини яхшилашга амалий ёрдам берилиши зарур.

Мамасодиқ ҲУСАИНОВ,
А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, Акмал Икромов районидаги Ойбек номли маҳалла комитетининг раиси.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● **БАДИИЙ ГИМНАСТИКА.** Финляндия Ишчилар спорт союзи ташкил этган анъанавий учинчи халқаро турнир Хельсинки шаҳрида бўлиб ўтди. Мусобақаларда иштирок этган етти мамлакат вакиллари орасида СССР спортчилари ҳам бор эди.

СССР терма командаси составида иштирок этган тошкентлик Венера Зарипова жаҳоннинг кучли спортчиларидан бири эканлигини яна исботлади. У кўпкураш машқида учинчи ўринни эгаллади. Алоҳида машқларда эса бир йўла икки марта ғолиблик шохсупасига кўтарилди.

● **ШАШКА.** «Шашка юлдузлари—82». Республика «Спартак» жамияти ўтказаётган халқаро шашка бўйича Бутуниттифоқ аёллар турнири ана шундай деб номланади. Турнирда Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан келган кучли спортчилар иштирок этишяпти. Беш турдан сўнг жаҳон чемпионатининг кумуш совриндори, минсклик Ирина Пашкевич ва мамлакат собиқ-чемпиони Ромуальда Виткаускайте (Вильнюс) пешқадамлик қилишмоқда.

● **ФУТБОЛ.** Қабрайдаги ўқув спорт комбинати майдонида республика футбол чемпионатининг финал ўйинлари ўтказилмоқда. Юксак номни қўлга киритиш учун Самарқандининг «Олимпия», Қаршининг «Каршистрой», Тўрткўлнинг «Целинник», Бешкентнинг «Бешкент» командалари ўзаро куч синашмоқдалар. «Олимпия» ва «Целинник» учрашувида 2:1; «Каршистрой» — «Бешкент» учрашувида эса 1:1 ҳисоблари қайд этилди. Иккинчи турда эса бешкентлик футболчилар «Олимпия» командасини 2,1 ҳисобида мағлуб этишди, «Каршистрой» — «Целинник» баҳси 2:2 ҳисобида тугади.

Редактор ўринбосари С. Ғ. МУСАЕВ.

Реклама ва эълонлар

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

Тез кунда

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Озарбайжон драматурги АНОР асари — Э. ҚАЛАНДАРОВ музикаси

«ҚИЁФАЛАР» ЁКИ «ЗАНЖИР»

(Икки пардали музикали ҳажвий комедия)

Таржимон ва қўшиқ текстлари муаллифи Ҳайдар МУҲАММАД.
Саҳналаштирувчи режиссёр — Неъмат САИДХОНОВ.
Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Э. ТОШМАТОВ.
Рассом — А. ЖИБОЕДОВ.
Балетмейстер — Ш. АҲМЕДОВ.
Хормейстер — К. САЪДУЛЛАЕВ.
Концертмейстер — М. ФУРМАН.
Режиссёр ёрдамчилари — Р. МУҲИДДИНОВА, Р. ҚУРБОНОВ.

РОЛЛАРДА:

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар: С. ПУЛАТОВ, Х. ШАРИПОВ, М. ИХТИЕРОВА.
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати М. КАРИМОВА.
Солистлар: Ф. Фаёзов, С. Раҳимжонов, Д. Сафоева, Ф. Аҳмедов, К. Ҳамидов, Н. Рустамов, Р. Маъдиев, А. Мамарасулов, Р. Қурбонов, Р. Солихов, М. Ҳусанова, Х. Носиров, А. Салимов ва бошқалар.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

29 НОЯБРГАЧА

Бутуниттифоқ ва Халқаро конкурслар лауреати Валерий ЛЕОНТЬЕВнинг Бутуниттифоқ конкурси дипломанти «ЭХО» вокаль-чолғу группасининг жўрлигида

ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММАДА: Республика конкурси дипломанти Людмила ПОНОМАРЕВА ва «ГРАНИ» чолғу группаси қатнашади.

КОНФЕРАНСЬЕ — Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурси лауреати Михаил РИБАК.

КОНЦЕРТЛАР — 27, 28 ноябрь кунлари соат 17.00 ва 20.00 да бошланади.

Кассалар Марказий «Юбилей» спорт залида ҳар куни соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди; Я. М. Свердлов номли концерт залида соат 14.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
КАССАЛАР — 46-03-12, 46-70-31;
АДМИНИСТРАТОР — 46-07-53, 46-68-77.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

29 ноябрь соат 16 ва 19.30 да
30 ноябрь соат 19.30 да
СССРнинг 60 йиллигига бағишланган
НАМАНГАН ОБЛАСТЬ ТЕАТРИ СОЛИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Камолиддин РАҲИМОВ,
Ўринбой НУРАЛИЕВ
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
Рустам ҲАМРОҚУЛОВ

Солистлар: Рустам МАМАЖОНОВ, Мавлуда НИЗОМОВА ва бошқалар.
Олдиндан онлет сотиш кассалари ишламоқда.
Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводига қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: ярим ўтказгичли асбоблар ва интеграл микросхемаларни йиғувчилар, электрон техника асбоблари ва деталларини синовчилар, электрон техника асбоблари ва деталларининг контролерлари, радио аппаратуралар ва асбобларнинг монтажчилари ва регулировкачилари, технологик ускуналарни созловчилар, синов ускуналарининг созловчи-монтажчилари, токарлар, фрезерчилар, электр пайвандчилар, слесарь-асбобсозлар.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида ва унинг атрофида яшовчи йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 8 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун 3 йил, 10 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун 6 ой, радио аппаратуралар ва асбобларнинг монтажчилари ихтисослиги бўйича қабул қилинган 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар, технологик ускуналарни созловчилар, токарь, фрезерчилар, слесарь-асбобсозлар, 72 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланади, 8 синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар тўлиқ бўлмаган давлат таъминотида бўладилар ва ўрта маълумот оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳакининг 33 процентини оладилар.

Ўқиш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Қабул қилиш комиссияси ҳар куни билим юрти биносида, В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводининг кадрлар бўлимида ишлайди.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Весна кўчаси, 17-уй (1, 5, 26-трамвайлар, 106-автобуснинг «Фоменко» бекати). Телефон: 91-14-51.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСР халқ артисти Иван Рубан раҳбарлигидаги ёввойи ҳайвонлар аттракциони гастроллари (16.00 ва 19.30).

«Тошкент ҳақиқати» газета редакциясининг коллективи редакциянинг саноат, капитал қурилиш ва транспорт бўлимининг мудири М. Мирҳамидовга ўғли Улуғбек МИРҲАМИДОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН»

27 НОЯБРЬ, ШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.35 — Фильм-концерт. 9.50 — «АБВГДейка». 10.20 — «Спортлото»нинг 48-тиражи. 10.30 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.00 — «Жаҳон халкларининг ижоди». 11.30 — «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 12.00 — Концерт. 12.35 — «Сизни қизиқтирган китоблар». 13.20 — «Қалбга яқин қўшиқлар». 14.05 — «Инсон. Ер. Коинот». 14.50 — Рус музейи. 15.20 — «Дунё воқеалари». 15.35 — Телевизион бадиий фильм. 16.45 — «Ҳайвонот оламида». 17.45 — Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 18.15 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — Бадиий фильм 1 ва 2-сериялар. 21.30 — «Время». 22.05 — «Фигурачилар мавсумни очадилар». 23.05 — Концерт. 00.15 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.20 — Бадиий фильм. 10.45 — Ҳужжатли фильм. 11.35 — «Тонгги почта» музикали программаси. 12.05 — «Асли болаликдан». Л. Кассиль. 13.00 — Камер концерти. 13.20 — ОЗАРБАЙЖОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 15.00— Телевизион викторина. 16.10— Ҳужжатли фильм. 17.00 — «Музикали киоск». 17.30 — Киножурнал. 17.40 — «Кинотомошабин ҳамроҳи». 18.25 — Концерт. 20.15 — «Халқаро обзор». 20.30 — Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Здоровье». 21.30 — «Время». 22.05 — Бадиий фильм.

УзТВ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Даврамизга марҳабо» 12.30 — «Қувнок стартлар». 13.20 — «Травка саргузашти». Бадиий фильм. 14.25 — Оналар мактаби. 14.55 — Ўзбекистон спорти. 15.55 — Реклама. 18.05 — Мультфильм. 18.20 — «Бойчечак». 18.50 — Ижод саҳифалари. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Телениматюралар. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

28 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Концерт. 10.25 — «Будильник». 10.55 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.55 — «Здоровье». 12.40 — «Тонгги почта». 13.10 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 13.25 — Қишлоқ янгиликлари. 14.25 — «Музикали киоск». 14.55 — «Ванюшин болалари». Фильм-спектакль. 17.25 — Музикали программа. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Халқ қуйлари. 19.30 — «Киносаёҳатчилар клуби». 20.30 — Анна Герман. Тақдир ва қўшиқлар. 21.30 — «Время». 22.05 — Хоккей. «Спартак» — «Трактор». 23.50 — Футбол шарҳи. 00.20 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.50 — «Кузги воқеа». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 13.20 — Мультфильмлар. 13.55 — Телеочерк. 14.30 — «Ғолиблар». 16.00 — Ҳужжатли фильм. 16.30 — Концерт. 17.40 — Театр учрашувлари. 18.40 — «Революция туфайли туғилган». Бадиий фильм. 20.00 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 20.30— «Хайрли тун кичкинтойлар». 20.45 — Телеочерк. 21.30 — «Время». 22.05 — «Учиш кечиктириладиган». Бадиий фильм.

УзТВ-I. 9.55 — Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телевизион миниатюралар театри. 10.55— «Инсон болаликдан бошланади». 11.25 — «Кинореферат почтасидан». 12.10 — «Шахмат мактаби». 12.40 — «Шеърият дафтаридан». 13.00 — Бадиий фильм. 14.30 — «Инсон ва табиат». 16.55 — Кўрсатувлар программаси. 17.00 — «Дўстлик экрани». 18.00 — Болалар учун концерт. 18.35 — «Мультипанорама». 19.30— «Ахборот». 19.45 — «Цирк! Цирк! Цирк!». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время»». 22.05 — «Йўқолган хазина». Бадиий фильм. 23.35 — Кўрсатувлар программаси.

29 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Халқ қуйлари. 9.55 — «Кеча келибсан...». Телевизион бадиий фильм. 11.05 — «Ҳайвонот оламида». 12.05 — «Стрежевой қариялари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар: «Тактифнома» «Довюраклар спорти», «От юриши». 16.15— «Звездочёт» телевизион журнали. 17.00 — Москва инженерлик физика институтининг эркаклар академик хори куйлайди. 17.30 — «Буратино» кўргазмаси». 18.00 — Югославия Социалистик Федератив Республикасининг миллий байрами — Республика кунига «Болқонлардаги мамлакат». 18.35 — «Сиз яратган бог». 19.05 — «Мушук Котофеевич». Мультфильм. 19.15 «Закарпатье хороводи». Фильм-концерт премьераси. 19.45 — «Байрут. 1982 йил августи». Ҳужжатли фильм премьераси. 20.00 — «Арфа янграйди». Фильм-концерт. 20.10 — «Доктор Младен». Бадиий фильм (Югославия). 21.30 — «Время». 22.05 — «Олам кинокамера кўзгусида». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи И. Фесуненко олиб боради. 23.05 — «Дунё воқеалари». 23.20 — Классик кураш бўйича жаҳон кубоги. Венгриядан олиб кўрсатилади.

МТ-II. Профилактика муносабати билан душанба 29 ноябрь куни Марказий телевидениесининг II Умумиттифоқ программасида кўрсатувлар намойиш қилинмайди.

УзТВ-I. 18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — «Бор эканда, йўқ экан, асал ари бор экан...». Болалар учун мультфильм. 18.20 — «Кичик сеҳргарлар». Ангрен шаҳар болалар цирк коллективининг чиқиши. 19.00 — «Партия турмуши». Қашқадарё область партия ташкилоти иш тажрибасидан. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Югославия Социалистик Федератив Республикасининг миллий байрами— Республика кунига. «Рақс». Фильм-концерт. 20.15 — «Ноҳеъмат бунёдкори». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Узбекистон телевиденияси ва радиоси камер оркестрининг концерти. 21.30 — Москва. «Время».» 22.05 — «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 — Телевидение экранида биринчи марта. «Қизлар оналар». Бадиий фильм. 23.55 — Янгиликлар.

УзТВ-II. 17.50 — Кўрсатувлар программаси. 17.55 — «Қизиқарли математика». 18.25 — «Урал тундрасида». Телевизион фильм. 18.40 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 19.40 — «Дельта». Телевизион фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Шеърият дафтаридан». 20.50 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ер ва одамлар». Кинопрограмма.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41. Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар—334048, 325354; партия турмуши—325778; пропаганда—325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва қарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 02376. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1738.